

**БАҲРОМ ТОЖИЕВ, НАСИБА ИСАХОЖАЕВА**

**ҚАЛАМТАСВИР,  
РАНГТАСВИР  
ВА  
КОМПОЗИЦИЯ  
АСОСЛАРИ**

Тошкент — 2011

Ушбу ўқув методик құлланма педагогика университети ҳамда институтларнинг тасвирий санъат таълимими берадиган факультетлари талабалари учун мүлжалланған булиб, бунда қаламтасвир чизиш, рангтасвир ишлаш, композиция билан шуғулланиш жараёнда амал қилиниши лозим болған энг зарур назарий қонун қоидалар тұғрисида сүз юритиляди. Ўқув методик құлланмадан маҳсус касб-хунар колледжларининг талабалари, шунингдек барча тасвирий санъатта қызықувчилар ҳам фойдала-нишлари мумкин.

**Муаллифлар:** Баҳром Тожиев – доцент  
Насиба Исахожаева – ўқытувчи

**Тақризчилар:** К.Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти профессори: А.Т.Икромжонов

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика Университети профессори: F.M.Абдураҳмонов.

Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашыда муҳокама қилиниб нашр этиш учун тавсия қилинганд.

Баённома № 13. 19 май 2011 йил

## МУҚАДДИМА

Мустақил мамлакатимизда илм-фан, маданият, санъат, адабиётта катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёrlаш Миллий дастури»да белгилаб, аниқ кўrsatilган барча мақсад-вазифалар ўз ўрнида изчиллик ва событқадамлик билан амалга оширилмоқда. Маълумки, тасвирий санъат таълимига, унинг назарий ва амалий масалаларига оид дарсликлар, ўқув-кўлланмалар олий ўқув юртларининг ҳамда коллежларнинг ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари қўлига тез етиб бормоқда. Шундай ўқув адабиётларининг муқобил вариантлари ҳам чоп этилмоқда. Чунки тасвирий санъатга, унинг турли соҳалари бўйича назарий ва амалий машғулотлар мазмунига бағишланган ҳар қанча китоб бўлса, у ҳеч қачон зарар қўлмайди.

Ушбу қўлингиздаги ўқув методик қўлланма тасвирий санъатда муҳим ўрин тутиб, алоҳида фан сифатида ўқиб, амалий жиҳатдан ўрганилувчи қаламтасвир, рангтасвир ва композицияга оид бўлиб, уччала соҳа масалалари қонун-қоидлари тўғрисида қисқача маълумотларни беради. Одатда тасвирий санъатни ҳар томонлама мукаммал ўрганиб, ижодий йўналиш олишни астойдил истаган талабалар нафақат амалий кўнилмаларни, балки назарий билимларни ҳам чукур билишга интиладилар. Шундай саъи-ҳаракатлар пайтида уларга айрим зарур ёзувларни бажаришларига тўғри келади. Бундай – реферат, конспект, иқтибослар қўринишидаги ишларни сифатли бажариш ва ўша матнни эслаб қолиш албатта изланишларни, сўраб ҳамда китобларни кўриб ўрганишни, керакли ерларини ёзib олишни талаб этади. Шундай кезларда талабалар ўз устозларига қаламтасвир, рангтасвир ва композицияга оид саволлар билан мурожаат этиб, шу уч соҳа бўйича ягона қисқа баён этилган манба бор-йуқлиги ҳақида сўраб қолган ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Бу пайтда ушбу қўлланмамиздаги улар унумли фойдалана оладилар деб умид қиласиз.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш масъулияти педагоглар зими масига кўп ишларни юклайди. Президентимиз И.А.Каримов «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли ва албатта баҳтири бўлишлари шарт» деб бежиз айтмаганлар. Тасвирий санъат ҳам баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин эгаллаши эса ҳаётда кўп марта ўз тасдигини топиб келмоқда. Ушбу ўқув методик қўлланма ҳам бўлажак педагог-рассомларни етишириш ишига яқиндан ёрдам беради деб ўйлаймиз.

## I БОБ.

### Қаламтасвир.

Қаламтасвир ва унинг мақсад-вазифалари.

Тасвириларниң асосий қонун – қоидалари

Тасвирий санъат ҳар бир ижодкор шахс учун жуда кенг фаолиятлар майдонидир. Расм чизишни пухта эгаллаш барча санъат турларида муҳим ўринни эгаллайди. Шу сабабли академик сурат ишлаш билими тасвирий фаолиятнинг барчасида қўл келади, муваффақиятни таъминлайди. Қаламтасвир ишлашга ва уни ўз маънавий ҳаётида фойдаланишга одамлар қадимги пайтларданоқ интилиб келганлар. Шу сабабдан ҳам расм чизишнинг маълум қонун-қоидалари ишлаб чиқилган ва йиллар, асрлар мобайнида такомиллаштирилиб келинган. Қаламтасвир барча тасвирий санъат турларининг асоси, негизи десак хато бўлмайди. Ўқув-машқ вазифаларни пухта, ифодали қилиб тасвирилай олиш академик расм қонун-қоидаларини атрофлича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганишина тақозо этади. Улар иш фаолиятини сифатли ташкил этилишига ҳам кўп томондан боғлиқдир. Бундан ташқари чизишда ишлатиладиган асбоб-анжомлар сифатли, талабга жавоб берадиган бўлиши керак.

Қаламтасвир ишлашнинг энг асосий талаби чизиш обьектини ҳар томонлама уҳшатиб акс эттиришдан иборат фаолиятни таъминлашdir. Бунинг учун тасвирини қофоз сатҳида тўғри жойлаштириш, нисбатларини тўғри аниқлаш, буюмларнинг ўзаро масоғасини ва перспектива ҳолатларини аниқ топиш талаб этилади. Ишнинг мақсадга мувофиқ чиқишида албатта билим, тажриба ва маҳорат етарли даражада керак бўлади. Билим ўқиш, ўрганиш, мутолаа қилиш орқали орттирилса, тажриба ва маҳорат кўп ишлаш, тинмай машқ қилиш, интилиш эвазига орттирилиши маълум.

Таълим олишнинг яна бир муҳим шарти ҳар бир тасвир этиладиган нарса, ҳодиса, лавҳани аслидан, яъни натурадан қараб акс эттирилишига жуда боғлиқ эканлиги сир эмас. Чунки чизишда ҳаёт ҳақиқатини кўрсата олиш сифати энг муҳимдир десак асло янгишмаймиз.

Тасвир чизишни ўрганиш оддий натюрмортларни, шунингдек алоҳида-алоҳида турган буюмларни акс эттириш орқали амалга оширилади. Иш тасвирини қофозга тўғри ва чиройли тарзда жойлаштиришдан бошланади, сўнг ҳар бир нарсани ўзаро жойлашиши, улар орасидаги масоғалар нисбатлар аниқланади. Бунда қалам енгил, қофозга ортиқ даражада босмасдан ишлатилиши керак. Акс ҳолда нотўғри чиқкан жойлар ва ёрдамчи чизиқларни ўчирғич билан кетказиш қийин бўлади. Шунинг учун ўргача юмшоқлик даражасидаги «ТМ», «М», «2М» русумли қаламлардан фойдаланиш анча қулай.

Тасвириларни ишлашда перспектива қоидаларига амал қилиниши зарур.

Маълумки, ҳар бир нарса бошқа нарсадан узоқроқда турган бўлса, у

кўзимизга кичрайиб кўринали, тархлари ҳам ҳирароқ бўлади, унга тушаётган ёруглик, соялар ҳам биринчи пландаги буюмнидан фарқлашиб туради. Буларнинг ҳаммаси чизиқли ва ҳаво перспективаси ҳодисасининг табиатда намоён бўлишидир. Ана шу жиҳатдан тўғри акс эттирилса тасвир ҳаққоний чиқиши таъминланади. Ҳар бир нарса қозода тасвирланар экан, албатта унинг туришига нисбатан уфқ чизиги топиб олиниши керак. У чизувчи кишининг кўзи баландлигидан ўтувчи тасаввур этиладиган горизонтал тўғри чизиқни ташкил этади.

Натюрмортларда уни тўғри аниқлаб олиб тасвир яратишида фойдаланиш зарур шартлардан асосийси бўлиб, тасвирнинг ҳаққоний чиқишини таъминлайди. Нарсанинг тасвирини горизонтал сатҳга ва вертикал картина сатҳига нисбатан ҳолати ҳам перспектива кўринишига мувофиқ топилади. Бунда томонларнинг қисқариб, узоқлашиб борган сари кичрайиб кўриниши уфқнинг туташиш нуқтасига асосан топиб чизилади.

Тасвир яратишида фазовий перспективага ҳам аҳамият берилиши зарур. Чунки яқинда жойлашиб турган буюм узоқроқлагисидан туси, ранги, тўқ-очлиги билан ажralиб туради. Соя-ёругликларни тасвир тархларига монанд ўхшатиб акс эттириш улар ўрнини тўғри мутаносиб топишга ҳам боғлиқлигини унугласлигимиз керак.

Натюрмортларда манзара тасвирларига нисбатан перспектива қоидаларини қўллаш мураккаброқ, чунки буюмлар, нарсалар орасидаги фарқ, масофалар камроқ бўлиб, улар диққат билан кузатилиб аниқланади. Манзара, табиатдаги перспектива эса яққолроқ сезилади. Масалан, текис йўналган темир йўлни кузатсанак бу ҳодиса аниқ кўринади. Ундаги рельслар узоқлашиб сари бир-бирига яқинлашиб, уфққа бориб бирлашиб, нуқта бўлиб икки томондаги сим ёғочлар тобора калталашив бораётгандек туюлиши фикримизни тасдиқлайди. Бу ҳодисани кузатиб перспектива қонуниятларини англаб олиш, таҳлил қилиш, тегишли билимларни олиш мумкин.

Расм чизиш жараёнини босқичма-босқич ташкил этилиши тасвир яратишининг энг муҳим педагогик шартлардан биридир. Бунинг учун расм чизгандан унинг ҳажмига, ифодасига ҳам, ҳар бир нарсанинг ўзи мавжул бўлиб турган атроф мухитига ҳам объектив тарзда ёндошилиши ҳаққоний тасвирланиши керак.

### **Ўкув қаламтасвир ҳамда қаламчизгилар бажаришда композиция асослари ва ижодий малакаларини ривожлантириш**

Тасвирий санъатнинг барча турларида ва жанрларида композиция масаласини ҳал этиши етакчи ўринларда туради, десак янгишмаймиз. Бунинг учун эса ҳар бир санъат турига мувофиқ тарзда композиция асосларини қўллай билиш керак. Шу ўринда композиция умумқоидалари пухта ўрганилиши зарур. Улар академик қаламтасвирлар яратиш, ўрганиш, машқ қилиш жараёнининг ҳам ажралмас қисмидир.

Масалан тасварнинг яхлитлиги, томонлари ва қисмларининг ўлчами, мутаносиблиги, симметрияйлик, мувозанат, ранг ва тус, сояёргу муносабатлари, балийлик меъзонларига амал қилиниши масалалари, шунингдек, мавзунинг аниқ-тиниқ бўлиши кераклиги умумқоидалар сирасига даҳлдорлиги билан ажрабиб туради. Маълумки, қаламтасвир барча тасвириёт соҳаларининг асосидир. Композиция қонун-қоидаларисиз эса оддий тезкор чизгини ҳам тасаввур этишимиз қийин. Чунки оддий хомаки расмда ҳам ўзига хос ўлчам, мутаносиблиқ, ҳамда унча қўламли бўлмасала мазмун мавжул бўладики, бу ҳодисани ҳеч ким инкор қила олмайди.

Маълумки, инсон қоматини чизиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда албатта академик расм ишлари амаллари қўлланилади. У эса оддийдан мураккабга ўтиб бориш орқали юзага чиқарилади. Одам тасвири талабалар, уни энди чизишни ўрганаётганлар учун анча мураккаб ишидир. Бу соҳанинг назарий қисмини ўқиб, ўрганиши машқлар учун чизиладиган вазифалар сифатини оширишининг омилидир. Чунки нафақат йиллар, балки асрлар давомида академик расм чизиш сирлари очилиб, тадқиқ этиб, такомиллантирилиб келинмоқда. Шундан маълумки ўзига хос, инкор этиб бўлмайдиган тамойиллар, қонун-қоидалар вужудга келган. Уларга амал қилиниши айниқса ўрганувчиларга ёрдам бералингиз зўр омилидир.

Одам қоматини тўлиқ тасвирлаш, унинг бош қисмини чизиш амаллари тўлиқ ўзлаштирилиб олингач бошлангани маъкул. Шунда дастлабки машқларданоқ етарли самарага эришиш мумкин бўлади. Асосий эътибор танани талқиқ этиш ва тасвирлаш ишига қаратилади. Маълумки инсон қадди-қоматининг ўз ўлчамлари, мутаносиблиқ тамойиллари мавжуд. Масалан ёш бола бошининг ўлчами танага нисбатан жихатдан анча мутаносиблиқда бўлади ва танага, унинг баландлик ўлчамига олти, етти, баъзан етти ярим карра жойлашади. Албатта бу меъзонлар нисбатан бўлиб турли одамларда ҳар хиллик касб этади.

Олам қоматини чизишида унинг тузилишини (конструкциясини) билиш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун чизувчи тананинг қандай ҳаракат ҳолатида, қай вазиятла турганлигини қоралама чизгилар қилиш орқали таҳлил қилиш, кўплаб шундай машқлар бажариши, сўнг асосий ишни бошлиши керак. Чизганда ҳам қиёфани, унинг барча бўлакларини алоҳила-алоҳида эмас, балки яхлит акс эттиришга уриниш, ҳамда бунга эришиш лозим бўлади. Аммо ҳар бир бўлак унинг тасвирда тутган роли ҳам унтуилмаслиги керак. Турган одам қиёфасини чизишнинг асосий амаллари нималардан иборат, леган савонни олдимиизга қўйиб, унга жавоб берайлик:

Илгариги вазифалардагидек бунисида ҳам дастлабки мақсад обьектини қофоз сатҳига чиройли қилиб жойлаштиришдан иборатdir. Сўнгра тана туриш вазияти, ҳолати топилади, кейин қоматнинг қисмлари, ўлчамлари ўзаро мутаносиблиги топилади. Улар одамнинг кекса ёшлигига, семиз ёки озғинлигига, бўйининг паст ёки баландлигига боғлиқ бўлади. Бунда албатта одамнинг қайси бир оёғига, ёки иккала оёғига таяниб турганли-

ги эътиборга олиниши муҳимдир. Чунки шунга қараб тананинг ҳолати ўзгариб туради. Елка, бош, бел, тос, қўл ва оёқлар туриши ҳар хил кўринишга эга бўлади. Маълумки, одам умуртқа поғонасининг тузилиши ҳам унинг кўринишига таъсир этади. Баъзи таналарнинг туриши тик бўлса, баъзилари буқчайиброк кўриниши шундан.

Тананинг ҳар бир аъзоси горизонтал ва вертикал чизиқларга нисбатан қандай вазиятда эканлиги мунтазам равишда текшириб турилади. Бутун тананинг таянч нуқтаси мавжуд бўлиб, у оғирлик қайси оёқда тушаётганига, ёки улар оралиғига тушаётганини аниқлашда қўл келади. У тўғри, жойида топилмаган бўлса, одам қиёфаси оғиб, йиқилаётганга ўхшаб чиқиб қолиши мумкин. Шу сабабдан текшириш учун баъзан осма шовундан фойдаланиш мумкин. У барча перпендикулярларни топишда зўр воситадир.

Одам қиёфасини чизишни ўрганишда уни скелет билан солиштириб текшириш, тананинг асосий мушаклари тизимини Гудон «Экорш»-сидан кўриб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ана шунда чизувчи тананинг қайси бўлагига урғу бериши ва батафсил ишлаши кераклигини тушуниши осон бўлади. Чунки суюклар тизимини белгиловчи скелет ва мушаклар тана қисмларининг шакли-шамойилини яққол қилиб акс эттиришда ёрдам берали. Умуман юқоридагиларни сифатли бажарилиши учун ҳар бир талаба пластик анатомиядан яхши хабардор бўлиши зарур. Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, ишни бажаришда соя-ёруғ муносабатларини тўғри топиб тасвирлаш ҳам аҳамият касб этади. Чизиш мобайнида катта соялар ва ёруғ, яримсояларни бирваракай белгилаб туслаб борилиши тасвирнинг ҳажмли кўринишини таъминлайди. Умум танани акс эттиришда унинг майда қисмларини ҳам йўл-йўлакай аниқлаштириб борилади, аммо бунда яхлитликка путур етказилмаслиги керак. Тасвирлаш жараёни изчилликда босқичма-босқич олиб борилса, охирида барча томондан иш текшириб умумлаштирилса вазифа яхши чиқиши таъминланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вазифани тугал ҳолга келтириш тажрибага, яъни кўп, эринмай, сабот билан иш олиб борилишига bogлиқdir. Назарий билимларни ўтмиш уста рассомлари меросини китоблардан ўқиб ўрганиш ёрдамида ошириб борилиши керак.

**Бадий таълимда қаламчизгиларнинг аҳамияти.**

**Ҳайвои ва қушларнинг анатомик тузилиш хусусиятлари ҳамда уларнинг қаламчизгилар воситасида тасвирилаш усувлари.**

**Одам бош суягининг тузилиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар**

Бадий таълим ва умуман тасвирий санъат соҳасида қаламчизгиларнинг аҳамияти нақадар катта эканлигии рассомчиликка қизиқувчи ҳар бир инсон яхши билади. Булажак ўқитувчи-мусавир нафақат амалий ишни, балки назарий масалаларни ҳам пухта ўзлаштириши зарур бўлади. У қаламтасвир яратишнинг муҳим эканлигини ўз ўқувчиларига тушунтира билиши керак. Бунда албатта у китоб, қўлланмалардан фойдаланади. Уларда эса расм чизишнинг барча қонун-қоидалари тушунтириб берилган.

Маълумки, қаламтасвирнинг муҳим чизиш қоидалари қадим замонлардан кашф этилиб, такомиллаштирилиб келинган. Айтишларича, биринчи ташкил этилган ilk Бадий академияларда расмни қаламда чизиш етакчи ўринга қўйилган. Уни яхшилаб ўрганиб олмаган талаба тасвирга ранг бериш машгулотига, яъни рангтасвир яратиш ишига яқинлаштирилмаган. Шу сабабдан академик расм чизиш машгулоти муҳим ҳисобланиб, ўқув-таълим жараёнининг кўп қисмини эгаллаган. Булажак тасвирий санъат ўқитувчиси күш ва ҳайвонларнинг тасвирини чизишни ҳам бошқа вазифалар қаторида пухта ўрганиши керак. Чунки касб-хунар коллежлари, ҳамда маҳсус мактаб амалиётида, ўқитиш, ўргатиш дастурларининг барчасида бу мавзу мавжудdir.

Анималистик (жонли табиат, ҳайвон ва қушларни акс эттириш соҳаси) расмлар ишлаш тасвирий санъатнинг жуда қизиқарли соҳасидир. У кўпинча турли воқеабанд композициялар, китоб безаклари яратилишида фойдаланилади. Айниқса, болалар учун чиқариладиган адабиётларда кўл келади.

Мамлакатимиз ва чет эл рассомлари ижодида ҳам анималистик мавзуларни кўплаб учратамиз. Қадимги уста рассомлардан Дюернинг, Рембрандтнинг, Делакруанинг ҳайвонлар ва қушларни акс эттирган қаламчизгиларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Япониянинг қадимий тасвирий санъатига оид намуналарда ҳам қүш ва турли жониворларнинг ажойиб-ажойиб тасвиirlари кўп учрайди. Рус анималист рассомлари П.Соколов, В.Серов, А.Степанов, И.Ефимов, В.Ватагин график ишларида ҳам жонзорлар тасвирининг яхши намуналари бор. Ўзбекистон рассомлари ижодида айниқса графика ва ҳайкалтарошлиқ соҳасида бу мавзудаги ижод намуналари учрайди. Масалан, Т.Эсонов, П.Иванов, Т.Тожихъяев, А.Бойматов ва бошқа ҳайкалтарошлар, шунингдек Х.Раҳматуллаев, А.Гуломов, Г.Ли, Қ.Башаров каби бир қатор график рассомларнинг асарларида бу мавзуга оид ижод намуналари мавжуд.

Рангтасвирда асар яратувчилар орасида анималистик мавзудаги намуналарнинг муаллифлари сифатида М.Тошмуродов ва Қ.Акбаровни курсатишимииз мумкин.

Күш ва ҳайвонларнинг тулумларини расмини чизиш тирик жонзотларни тасвирашдан аввалги босқичдир, десак янглишмаймиз. Чунки ҳаракатдаги жониворларни чизиш анча мураккаб бўлиб, бу ишни бошлашдан аввал пухта тайёргарликни ўташ керак. Шунда тулумларни ба-тафсил ўрганиш анча қўл келади. Улар орқали ҳайвон ва кушларнинг, скелети ва тана тузилиши хусусиятлари таҳлил қилиниб ўрганилади. Ўзига хос ўлчамлари, уларнинг яхлитлиги, мутаносибликлари чизиш-тасвираш жараёнида аниқланади, ифодаланади. Агар шундай мақсад қўйилган бўлса ҳажми ҳам ишлаб акс эттирилади. Яна бир мұхим томони шундаки, күш ёки ҳайвоннинг расмини чизганда шаклдан ташқари унинг ички синч тузилишини белгиловчи умртқа погоналари ва бошқа суюк бўғинларига ҳам аҳамият берилиши керак.

Тасвирининг соя ва ёргулигини кўрсатиш учун турли тасвираш воситаларидан унумли фойдаланиш мумкин. Улар чизиқларни турли йўналишларда йўналтириб ишлов беришга имкон беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки қушларни ва турли жониворларни чизишдан аввал уларнинг скелетини қандай тузилишга эга эканлигини билиб олиш, мавжуд бўлса скелетини алоҳида тасвирилаб машқ қилиш керак.

Одам бошини чизища алоҳида аҳамиятга эга бўлган нарса: унинг асоси, яъни бош чаноқ сугаидир. Унинг гипсдан тайёрланган намунасини чизиб машқ қилиш анча фойдали бўлиб, ҳамма қисмлари яхлит кўриниб туради. Бош сугини чизишга гипс намунани ўрганиб олгач киришиш мумкин. Бунда иложи борича учта турли томондан, турли ҳолатларда кўринган вазиятдаги бош чаноги битта яхлит қоғоз сатҳида тасвириланиши шарт.

Чаноқ иккита асосий қисмдан таркиб топган бўлиб, улар мия қисми ва юз қисмларидир. Мия қисми ўз навбатида чакка, пешона, энса бўлакларидан иборат. Улар ва бошқа майдага ички қисмлар ўзаро тиҳсимон бўртма уланмалар билан биришиб туради. Суюкнинг пешона қисми бош шаклини белгилаб турувчи аҳамиятга эга. Бундан ташқари ёноқ, бурун бўртмаси ҳам инсон юзининг шаклини қандай бўлишида мұхим роль ўйнайди. Қиска қилиб айтганда бош чаноқ сугининг барча майдага бўлаклари унинг қандай номланишини талаба ўрганиб, пластик анатомияга оид китобларни мутолаа қиласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Бош сугини түғридан, ёндан ва бурчак остида кўринишини битта қоғозда бир пайтда ишлаб, навбатма-навбат ишлов берилса уни ўрганиш қулай бўлади. Асосий кўп давом эттириладиган қаламсуратни ишлашдан аввал албатта кичик мусаввадалар чизиш шарт. Шунда ҳар бир тасвирини ўзаро мувофиқлаштириб композициясини топиш енгил кўчади.

## Интеръерда инсон қоматининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилиари. Турли тасвирилаш воситалари

Тасвириларни чизишда, хоҳ у натюорт бўлсин, хоҳ одам тасвири, ёки манзара бўлсин, барчасида акс эттиришнинг турли-туман воситалари ва усулларидан унумли фойдаланилиши керак. Бундай йул тутиш билимни, маҳоратни, тажрибани оширишга хизмат қилади.

Одам қиёфасини чизишни ўрганиш жараёнида график услубларни қуллаш эса энг синаланган йўлдир. Чунки энг қулий ва тез бажариладиган ҳар хил ашёлар (қалам, сангина, соус, пастель ретушь ва бошқалар) ёрдамида амалга ошириладиган тасвир айниқса қизиқарли чиқади. Бундай қаламчизгиларни ишлаганда рангли (тус берилган) қофозлардан фойдаланиш ўкув-машқ ишларининг бадиийлиги даражасини ҳам оширади. Воқеликни образли ифода этиш омили бўлиб хизмат қилади.

Интеръердаги одам қиёфасини тезлавҳаларини турли ҳолатларда тасвирилашда атроф муҳитнинг қуриниши ҳам эътиборга олиниши керак. Ёруглик манбайнинг қайси томондалиги чизилаётган обьектнинг нақадар ҳажмли ва бўртиқ тасвириланишида роль ўйнайди. Шу сабабли иш ўкув машқ сифатида бажарилаётгандигидан қатъий назар жиддий эътиборли ёндашувни талаб этади.

Маълумки, одамни тасвирилашини ўрганишда уни тезликда чизиш машқлари муҳим аҳамият касб этади. Машқ вазифалар кичикроқ қофозларда, сўнгра каттароқ қофозларда бажарилиши мақсадга мувофиқ. Кичик-кичик қаламчизгилар кўпинча юмшоқроқ оддий қаламда, каттароқ тасвирилар эса иложи борича кўмир қаламчалари, ретушь, сангина, соус ва пастелда ишланса қулий бўлади. Бунинг сабаби уларнинг ишлатилиши қулийлигидадир. Бундай воситалар билан тезкорликда катта сатҳларда ифодали тасвирилар ишлаш мумкин. Аммо бу уларни ишлатиш осон экан деган тушунчани түғдирмаслиги керак. Масалан, ретушь қалами ўта қора бўлганлиги учун уни рангли, яъни бирор холис тус берилган қофозга расм солишида ишлатиш мумкин. Оппоқ қофоз сатҳида ундан фойдаланиш анча тажриба ва маҳоратни талаб этади. Айниқса тезкор қаламлавҳаларни чизганда ретушь жуда қулий бўлиб, керакли жойларда чизиқ тарҳларини қўл бармоқлари ёки қофоз парчаси билан суркатиб, тасвириланаётган нарсанинг соя, ҳатто яримсояларини жуда ифодали ва чиройли қилиб кўрсатиш имконияти бор.

Рангли қофозда ишланганда ретушь қалами ва кўмир қаламчаларини оқ рангли пастель ёки бўр билан аралаш техникада ишлатиш яхши самара беради.

Маълумки, соусни сувга қориб мўйқаламда қофозга суртиб тус берилса, сўнгра тасвири ретушь қаламида ишланса, ўчириғичдан ҳам унумли, билиб фойдаланилса, ҳар қандай ўкув-машқ вазифани намунали ва чиройли қилиб чиқариш мумкин. Тасвирининг энг ёруғ қисмларини ўчи-

ғиң ёрдамида усталик билан ўчириб бўрттирилса, энг тўқ сояларнинг сатҳи қуюқ, қора соус билан бўяб ёпилса, иш ҳажм томондан жуда фазовийлик касб этади.

Сангина қаламтасвиirlарни ишлашда қўлланилиши ҳам фойдали. У билан ҳар қандай тасвиirlни тез ва ифодали қилиб чиқарса бўлади. Фақат бунинг учун унинг техникасини эгаллаш керак.


Маълумки сангинанинг тўқ жигарранг ҳамда қизгимтири жигарранг турлари бўлади. Уларни ҳам тус берилган охрасимон рангли қорозларда унумли қўллаш мумкин. Сангинани суркатиб сояларнинг катта-катта қисмлари ни ёпиш имконияти ҳам борлиги, иш ривожини тезлаштиради.

Юқорида келтириб ўтилган барча тасвиirlаш воситаларини узоқ муддатда бажариладиган, ҳамда тезкорлик билан ишланадиган қаламтасвиirlарда бирдек муваффақият билан қўллаш мумкин.


Одам қоматини тури ҳолатларда, вазиятларда ҳаракатли кўринишларда интеръер мұхити шароитида тасвиirlаш анча мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Агар улар тез муддатда ишланиши керак бўлса, тезчизиги лавҳалари кўринишида бўлса, бир нечта тасвиirlни битта қофоз сатҳида чиройли композицияда жойлаштириб бажариш кўп самара беради. Чунки унда ҳар бир чизилган ҳар тури ҳолатларда турган одамлар қиёфаси ўзаро солиштириб ишланади, ўлчамлари бир-бирига мосланади ва шунинг натижасида тасвиirlар гурухи бояланган мазмун касб этиб, бадий кўринишга эга бўлади.

Инсон қадди-қоматини чизища албатта тезкор тасвиirlар ишлаш, кўпроқ машқ қилиш талаб этилади. Айниқса суратнинг қисмлари нисбатлари, катта шаклнинг яхлитлигига эътибор қаратилиши керак. Сўнг тана ҳолати, унинг қандай ҳаракат ҳолатида намоён бўлаётганлиги мұхим бўлиб, уни тўғри топиш ва акс эттириш керак.


Юқорида айтилган барча ҳолатлар назарий ва амалий томондан яхши ўрганилса, китоблар, маҳсус адабиётлар мутолаасига эътибор берилса ҳар қандай қунтли талаба унинг олдига қўйилган мураккаб вазифаларнинг барчасини муваффақиятли адо этади. Яхши, аъло натижаларга эришади.



Гипс бош қаламтасвири.



**Бош чаноги:** 1. Пешона суюги. 2. Пешона дүнгликлари. 3. Қош усти ёйлары. 4. Чакка суюги чуқурлигини чегараловчи чизикнинг бошланиши. 5. Ёноқ суюги. 6. Ёноқ ёйи. 7. Юқори жағ. 8. Пастки жағ. 9. Пастки жағнинг чиқувчи тармоги. 10. Тепа суюги. 11. Тепа суюги дүнглиги 12. Чакка суюги. 13. Понаси-  
мон суюк. 14. Сүргичсизмон ўсимтаги. 15. Энса суюги.



Бош сүягини түрли ҳолатларини тасвирлаш машқлари.




Экорше ва елка камари скелетининг қисқа муддатли қаламчизмалари.  
Елка камарининг ҳаракат ҳолатини чизмалавҳалари.




Одам қоматини борлықда акс эттириш.

Ялонғоч ва кийимдаги қиёфачини параллел акс этилүүчүн қаламтасыптар.



Nizomly pozisi  
ТВРУ  
китабхонасы



Турган одамнинг қоматини узоқ муддатли қаламтасвири.

**II БОБ.  
Рангтасвир.  
«Рангтасвир» тушунчаси**

Тасвирий санъатда унинг рангтасвир ва графика тушунчалари мавжуд булиб, улар бир-биридан ишланиш йўллари ҳамда услублари, тасвирий во-сигалари билан фарқланиб туради. Ранг инсон ҳётида муҳим аҳамият касб этувчи ҳодисалир. У турли вазиятларда одамга ҳар-хил таъсир этади. Шунинг учун биз айрим пайтларда рангларни «қувончли» ва кайфиятимизни туш-кунлигини ифода этиши мумкин бўлган «хира» деб аташимиз бежиз эмас. Инсон қадимги пайтларданоқ рангнинг ана шундай хусусиятларини ҳисобга олиб, ўз фаолиятида унумли фойдаланиб келганини маълум. Айниқса, шундай восита сифатида рассомлар ундан усталик билан фойдаланганлар. Асарлари-га ҳар хил ранглар билан жило бераб, одамлар кайфиятига турлича таъсир этиб, фикрлар уйғотадиган тасвирлар яратишга эришганлар. Шунинг учун тасвирий санъатнинг жуда кўп турлари ва жанрларидаги ранг, ҳамла уни иш-лата билиш, жуда катта аҳамиятга эгадир. Аммо у қаламтасвирнинг муҳим эканлиги билан кувватли эканлиги маълум ҳақиқатлардан энг асосийси, десак тўғри бўлади. Шунинг учун қадимдан қаламтасвир чизишига рангтасвирнинг асоси сифатида қарааш шаклланган. Аммо ранг хусусиятларини яхши билиш ҳам ҳар бир тасвир чизиши ўрганувчи учун жуда аҳамиятлидир.

Мактаб физика курсидан маълумки рангларнинг дэсярли ҳаммаси спектрнинг асосий уч рангини қўшиш орқали олинади. Улар қизил, сариқ, занго-ри ранглардир. Булар асосий ранглар деб аталади. Асосий рангларни қўниш орқали қўшимча ранглар олинади. Масалан, қизил ва зангорини қўшиш орқали бинафша, қизил ва сариқни қўшиш орқали зарғалдоқ, сариқ ва зангорини қўшиш орқали эса яшил рангларни ҳосил қилиш мумкин. Ранглар табиатан икки хил хусусиятли: илиқ ва совуқ бўлали. Илиқ ранглар қато-рига қизил, сариқ, зарғалдоқ ва уларга яқин ранглар, совуқ ранглар қато-рига яшил, зангори, бинафша ва уларга яқин бўлган ранглар киради. Шу-нингдек ахроматик ва хроматик ранглар ҳам бўлади. Оқ, кул ранг ва қора ранглар ахроматик ранглардир. Қолган рангларнинг ҳаммаси хроматик ранг-лардир. Ахроматик ранглар бир-биридан факат оч-тўқлиги билан фарқ қиласади. Масалан, оқ, кул ранг, қора, қорароқ, жуда қора ва бошқалар. Хроматик ранглар эса бир-биридан ранг тузи яъни - қизил, сариқ, кўк, яшил, жи-гарранг ва ҳоказо, оч-тўқлиги яъни – оч қизил, тўқ сариқ, тўқ қизил, оч сариқ каби ва тўйинганлиги яъни ёрқин, хирадалилиги билан фарқ қиласади. Ранг доирасида қарама-қарши жойлашган ранглар «контраст» ранглар деб аталади. Контраст ранглар бир-биридан кескин фарқ қилиб, бири иккин-чисини янада ёрқин қилиб кўрсатади. Масалан, яшил ранг фонида қизил ранг жуда ёрқин бўлиб кўринади ва аксинча қизил ранг фонида яшил ранг анча ёрқинлашиади. Ранг билан ишлашда ранг гармониясини, яъни ранглар ўйғунлигини билиш катта аҳамиятга эга.

Нарса ва ҳодисаларни тасвирилашда мойбүёқ, темпера, акварель, гуашь каби бўёқлар ишлатилади. Нарсаларни бўёқ ёрдамида тасвирилаш анча мураккаб жараён бўлиб, кишидан рангларнинг хусусиятларини ва уларни самарали, укувли тарзда ишлатиш усуллари (техникасини) билишни тақозо этади. Бўёқлар ёрдамида нарсанинг ҳажми, фактураси ва фазовий ҳолатини тасвирилаш рафтасвирининг асосини ташкил этади. Ҳар бир нарсанни чизувчи тарвиirlар экан, у рангларга жиддий эътиборини қаратиши керак. Ана шунда рангнинг табиатдаги кўриниши ва тасвиридаги кўриниши фарқли эканлигини билиб олиш мумкин. Чунки нарсанинг ранги биздан узоқ-яқинлигига қараб ўзгариб кўринади. Бунинг сабаби эса ҳаво, атроф-муҳитнинг преимет кўринишига таъсиридандир. Қофоз сатҳида ранглар муносабатларини тўғри нисбатларда топиб ишлатиш рангтасвирининг ҳаққоний акс этишида муҳим аҳамият касб этувчи омиллардан энг муҳими деб ҳисобласак ўринлиди. Акварель бўёғида ишлаш ҳам ўз навбатила жиддий ўқиб ўрганишни, қаттиқ машқ қилишни талаб этувчи машғулотидир. Бунинг учун амалий ишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ишнинг назарий қисми амалиёт билан бир пайтда пухта ўрганиб боришни тақозо этади.

### **Ахроматик ва хроматик, илиқ ва совуқ, асосий ва қўшимча ранглар**

Рангтасвири ишлашда унинг қонун-қоидаларини, усул ва технологиясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга вазифалардандир, десак хато бўлмайди. Шундай зарур шартлар қаторига ахроматик ва хроматик ранглар ҳақидаги билимлар ҳам кириши табиийдир.

Кўзимиз кўра оладиган табиатдаги ҳамма рангларни шартли равишида иккига: ахроматик ва хроматик рангларга булиш мумкин. Оқдан тўқ қорагача бўлган ранглар ахроматик рангларга (оқ, кул ранг, қорамтири, қора, тўқ қора) қолганлари эса хроматик (қизил, сариқ, кўк ва ҳоказо) рангларга киради.

Хроматик ранглар ўз навбатида, шартли равишида яна иккига, иссиқ ва совуқ рангларга бўлинади. Иссиқ рангларга олов, қуёш, қизиган нарсаларнинг рангини эслатувчи қизил, сариқ, зарфаллоқ ранглар киради. Муз, ҳаво, сувларнинг рангини эслатувчи кўк, мовий, бинафша ранглар совуқ рангларга киради: Яшил ва бинафша ранглар гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ рангларга кириши мумкин. Чунки яшил ранг сариқ ва кўк рангларнинг аралашмасидандир. Бинафша ранг эса қизил ва кўк рангларнинг аралашмасидан ҳосил бўлади. Кўриниб турибидики, бу ранглар иссиқ ва совуқ рангларнинг аралашмасидан ҳосил бўлган. Аралаштиришда иссиқ ранг миқдори совуқ ранг миқдорига нисбатан кўпроқ бўлса, ҳосил бўлган ранг иссиқ ранг қаторига, совуқ ранг миқдори кўпроқ бўлса, совуқ ранглар қаторига ўтиши мумкин. Худди шундай бинафша рангида қизил ранг кўпроқ бўлса иссиқ, кўк ранг кўпроқ бўлса совуқ, ранглар қаторига киради. Демак ўкув машғулотида рангтасвирини ишлашда қўйилмадаги

нарса ва буюмларнинг ёруғ-соя нисбатлари, шунингдек ранг нисбатларини ҳам очиб аниқ кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ранграрнинг табиийлигини тасвирда тўғри бажариш анча қийин иш ҳисобланади. Бунга жиддий меҳнат, нозик дил ва зўр муроҳала орқали эришиш мумкин. Айниқса натюрмортдаги нарсаларнинг оч-тўқлик даражаларини фарқлашга, ундаги тус бирлигини тушунишга ўрганиш учун натюрмортни битта рангда тасвирлаш катта аҳамиятга эга. Бу усула расм ишлаш кейинчалик қийин натюрмортларнинг рангли тасвирини бажаришга ўтишни анча осонлаштиради. Бир рангда ёзиш усули «гризайль» деб аталади.

Гризайль усулида расм ишлаш турли ранглар воситасида иш усулига ўтиш учун тайёргарлик босқичи бўлиб, унда мўйқаламни ишлатиш йўллари ва акварель бўёқларининг хусусиятларини ўрганиш учун имконият яратади. Бу техника билан бир нечта натюрмортларни тасвирлаб ўргангандан сўнг, барча ранг хиллари билан ҳам натюрморт ишлаш анча осон бўлади.

Натюрмортлар кўпинча хоналарга қўйиб ишланади. Аммо баъзан уни табиат қўйнида ташкил қилиб, тасвирлашга ҳам тўғри келади. Шундай пайдада натюрмортни ишлашдан аввал, унинг ранг хусусиятларини таҳлил қилиб, тушуниб олиш жуда муҳимдир. Чунки, хона ичига қўйилган натюрмортга деразадан тушаётган нур — нарсаларнинг ёруғ қисмида совуқ, рангларни беради. Буюмлардан тушаётган соялар эса аксинча, илиқ, иссик бўлиб кўринади. Очик ҳаводаги, ташқаридаги чизилаётган нарсалар бунинг аксиdir, уларнинг сояси совуқ, ёруғ қисми эса илиқ бўлиб кўринishi мумкин. Ана шундай ҳолатларни дижқат билан кузатиб, сўнг эътибор билан тасвирлаш иш сифатининг яхши бўлишига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки рангларни кўриш ва идрок этиш қобилияти аста-секин машқлар орқали шаклланади. Бунда акварель бўёқлар номларини аниқ билиб олиш ва уларни ўз ўрнида жўяли қўллаш муҳимдир.

Акварель бўёқлари 24-16 хил рангли тўпламлар ҳолида бўлади. Уларни ишга тайёрлаш вақтида ҳар бирининг устига ёзиб қўйилган ёслигини аста кўчириб олиб, бўёқ солинган гластмасса идишчанинг тагига ёпишириб қўйиш ва номларини эслаб қолиш керак. Улар қуйидагича тартибда бўлиши мумкин. Яъни: лимон ранг кадмий, сариқ кадмий, оч охра, табиий сисна, олтинсимон сариқ, зарғандоқ кадмий, қизил охра, куйдирилган сиена, оч қизил, гулдор, қизил краплак, кармин (ёрқин қизил), бинафша, краплак, ультрамарин, кўк кобальт, ҳаво ранг, зумрад яшил, яшил перманент, сабза (яшил), табиий умбра (тўқ, жигар ранг), жигар ранг марс (оч), куйдирилган умбра (жигар ранг), сепия (чиройли тўқ, жигар ранг), қора.

Табиатдаги нарсаларнинг аниқ, рангини белгилаб кўрсатадиган тайёр бўёқлар мавжуд эмас. Аммо етук рассом рангларнинг ўзаро таъсири ва кўриниш ҳолатларини идрок этиб уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар қандай нарсани ҳам акс эттира олади. Тасвирда шундай жозиба ва ҳаётий ҳақиқатга эришиш учун рассомга ранглар нисбатини билиш, ранглар орасида қандайдир битта рангнинг турли хил товлани-

шини ҳисобга олиб ишлата олишига ёрдам берган. Масалан, олов ранг қизилни күчлироқ «ял-ял» ёнадиган қилиб тасвирлаш учун шу ранг ат-рофидаги нарсаларнинг соясини қўкимтири, ҳаво ранг, яшил зангори тусларда берилади. Тасвир билан чизилаётган нарса, ҳолат ўртасида тўла ўхшашлик бўлиши учун уларнинг ранг нисбатларида ҳам ўхшашлик бўлиши шарт. Бунга эришиш учун рангшунослик фанининг асосларини чуқур ўрганиш ва амалий иш жараёнида бу масалаларга қайта-қайта мурожаат қилиш керак. Ҳар хил бўёқлар билан (акварель, гуашь, мойбюёқ) натюромортларни тасвирлаш учун юқорида қайд этилган тажрибаларни ўtkазиб ќуриш, бўёқларнинг технологияси хусусиятларини яхши билиш, уларни ишлатиш усуларини ўзлаштириш учун кўплаб машқлар бажа-риш тавсия этилади.

Тасвирий санъатда акварель бўёқлар билан ишлаш салмоқли ўринни эгаллайди. Бунга сабаб мактабда расм ишлашни ўрганишда акварелнинг етакчи роль ўйнашидир. Шунинг учун уни ўқитаётган ўқитувчининг ўзи ҳам шу соҳани пухта эгаллаган бўлиши зарур.

## **Рангнинг хусусиятлари. Акварель бўёқда ишлаш техникаси. Спектр. Ранглар доираси ҳақида**

Талабалар рангшунослик назариясини айниқса пухта билишлари шарт. Шунинг билан реалистик рангтасвирнинг назарий асослари илмини ўзлаштириш ва айни пайтда амалий машқ қилиш натижасида саводли расм ишлаш йўлларини ўрганиш мумкин. Рангларнинг табиатда қандай ҳосил бўлиши ва тарқалиши муаммоси қадимдан олим ва рассомларнинг диққатини тортган. Машхур олимлар Ньютон, Ломоносов, Гельмгольшлар рангларнинг моҳиятини илмий асосларда текширганлар. М.В.Ломоносов фанда биринчи бўлиб асосий рангларни кашф этган. И.Ньютон қатор тажрибалар ўтказиб, оқ ёруғликни кўп ранг эканлигини исботланган. Экранда спектр рангларини ҳосил қилган. Бунинг учун Ньютон куёш нурини қора парданинг кичик тирқишидан ўғказиб унинг йўлига уч қиррали призма қўйган, натижада экранда ҳар хил ранглардан иборат кенг ёруғлик йигиндиси ҳосил бўлган. Экранда спектр ранглари пайдо бўлиб, улар қўйидагича жойлашган: қизил, сариқ, зарғалдоқ, яшил, зангори, ҳаворанг ва бинафша ранглар.

XIX асрда немис табиатшунос олими Г.Л.Гельмгольц рангшунослик назариясида муҳим янгилик яратди. Кўп йиллик тажрибалар асосида хроматик рангларнинг учта асосий аломати — ранг туси, рангнинг оч тўқлиги ва тўйинганлиги асосида туркумлаш кераклигини кўрсатди.

Бирор хроматик рангга очроқ қулранг қўшсак, унинг жозибалилиги пасайиб, нурсизланади. Бу ҳол рангнинг кам тўйинганлигидан, яъни унинг таркибида бўёқнинг камайганлигидан дарак беради. Демак, рангнинг

тўйинганлиги ёки тўйинмаганилиги деганда унинг кул рангга нисбатан рангдорлик даражаси, тозалигини тушиниш керак. Ранг доираси икки тент бўлакка бўлинса, биринчи ярмида қизил, зарғалдоқ, сарғиш, сариқ ранглар, иккинчи ярмида эса ҳаворанг, зангори кўк, бинафша ранглар жойлашади. Доиранинг – биринчи ярмидагилар илиқ ранглар, иккинчи ярмидагилари эса совуқ ранглардир. Бундай номланишига сабаб қизил, сариқ ранглар оловни, қизиган темирни, чўғни эслатса, ҳаво ранг, зангори, яшиллар эса музни, сувнинг рангини эслатади.

Иккита спектр ранги устма-уст туширилса, ранглар бир-бирига қўшилиб, мураккаб ранг ҳосил бўлади. Қизил ранг, ҳаво ранг ва бинафша ранглар билан қўшилганда чиройли тусдаги пушти, тўқ қизил, сафсар рангларни ҳосил қиласди. Қўшилганда оқ ранг берадиган спектрли ранглар қўшимча ёки тўлдирувчи ранглар дейилади. Чунки улар оқ ранг ҳосил бўлгунга қадар бир-бирини тўлдиради. Бундай рангларга сариқ, ҳаво ранг, қизил, зангори, яшил ва бинафша ранглар киради. Бўёқларнинг қўшилиши билан спектравий рангларнинг қўшилиши орасида фарқ бор. Учта асосий спектравий ранг: қизил, яшил ва ҳаво ранг қўшилганда оқ ранг ҳосил бўлади. Асосий қизил, сариқ ва ҳаво ранг бўёқлари қўшилишидан эса қора ранг ҳосил бўлади. Спектрнинг сариқ ва ҳаво ранглари қўшилиши натижасида оқ ҳосил бўлади. Бироқ сариқ ва ҳаворанг бўёқларни аралаштиrsак яшил ранг ҳосил бўлади.

Демак, иккита рангни оптик аралаштириш натижасида оқ ёки унга яқин ним кул ранг ҳосил қиласидан ранглар ўзаро тўлдирувчи (қўшимча) ҳисобланади. Масалан, тўқ қизил ва яшил, зангори ва зарғалдоқ қизил, сариқ, ҳаво ранг, сарғиш яшил ва бинафша ранглар ўзаро тўлдирувчиdir.

Тасвир билан чизилаётган нарса, ҳолат ўртасида тўла ўҳашашлик бўлиши учун уларнинг ранг нисбатларида ҳам ўҳашашлик бўлиши шарт. Тасвирний санъатда акварель бўёқлар билан ишлаш салмоқли ўринни эгалайди. Акварель – рангтасвирнинг энг нозик турларидан бири. Қадимдан акварель ўзининг нафислиги ва рангларнинг ёрқинлиги билан кўпгина рассомларни қизиқтириб келган. Акварель лотинча сўз бўлиб «сув билан суюлтириб ишлатиладиган бўёқлар» маъносини англатади. Акварель таркибига бўёқ моддаси (ўсимлик ёки маъданларнинг майн қилиб янчилган кукуни) ва бириктирувчи модда сифатида олча елими, глецирин ва озроқ асал киради. Булар ҳаммаси сувда осонгина эрийдиган бўлгани учун бўёққа сув қўшиб суюлтириб ишлатилади.

Акварелда оқ ранг ишлатилмайди. Унинг ўрнини оқ қофознинг ўзи ўтайди. Қофоз оппоқ, етарли даражала қалин ва юзаси ғадир-будир бўлиши зарур. У агар жуда силлиқ бўлса, сатҳида ранглар етарли даражада ётмайди. Нарса ва буюмлар тасвирларини бўяш жараённада умумийдан хусусийга ёки аксинча хусусийдан умумийга қараб борилади, ниҳоят иш яхитлаш билан якунланади.

## **Рангтасвирида турли сиртларни ифодалай билиш**

Рангтасвир ишлашнинг нозик томонлари кўп. Улардан бири турли сиртларни ифодали тасвирида масаласидир. Чунки натюромортда ҳам, одам тасвирини бажарганда ҳам чизилаётган нарсаларнинг моддий эканлигини кўрсатиш мухим ҳисобланади. Буюмларнинг тасвиридаги маддийлиги, қандай ашёдан ясалгани ёки таркиб топгани авваламбор унинг соя-ёруғлигини акс эттириш воситасида кўрсатилади. Турли материаллардан ясалган буюмлар сиртининг ўзига хос хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқланиб турадилар. Масалан, цилиндрик шаклдаги буюм ўзининг соя-ёруғ ҳамда яримсоя ва акс шуълаларининг бир-бирига силлиқ кўрининиша ўтиши сабабли ажralиб туриши билан хусусиятлариди. Худди шундай шакл-шамойилга эга бўлган шиша идишда эса соя билан ёруғ қисми, яримсоялар чегараси яхши сезилмайди. Унинг шаклини фақат йилтираб турган шуъла (блік) ва акс шуъла (рефлекс)лар бўрттириб кўрсатиши мумкин. Металлдан ясалган буюмларда ҳам шундай ҳолатни кўришимиз мумкин. Агар нарсаларнинг худди ана шу хусусиятларини қаламтасвир ёки рангтасвир ёрдамила ўхшатиб тасвириласак, уларнинг қандай ашёдан эканлиги (материални) сезилади. Масалан, металлдан, шиншадан, ёғочдан, гипсдан ва ҳоказо нарсалардан тайёрланганлиги тасвиридан билиниб туради. Нарсанинг қандай ашёдан эканлиги тасвирининг тархи, ранги, тусининг тўқ ёки очлиги билан ҳам ажralиб туради. Улар натурага, аслига ҳар томонлама ўхшатиб, мутаносиб қилиб олинган бўлса шундай сифатга эга бўлади.

Инсон танаси, боши, қўл, оёғи ва бошқа аъзоларини тасвирилаш пайтида айниқса кийим-кечаги, бош кийими ва бошқаларнинг сирти кўриниши аслидагидек ўхшаб чиқиши учун улар ҳам ранг, туси хусусиятлари билан тўлиқ акс эттирилиши керак. Инсон, танаси тасвирилаш учун жуда мураккаб объектдир. Шу сабабли у бошқа нарсаларга қараганда алоҳида маъсулият билан, ҳар ҳил техник имкониятларни қуллаб ишланади. Масалан, юздаги ва баланнинг бошқа жойлари сиртида кўп фарқлар бор. Юз дағалроқ бўлса, бўйин ва бел қисмлари нозик ранг тусларида кўринади, шунга яраша тасвириланади.

### **Одам бошининг рангтасвирини ишлашда ҳал этиладиган ўқув вазифалари. Шахсни ўхшатиб акс эттириш**

Одам тасвирини ишлани рассомдан кўпдан-кўп билим талаб қиласиди. Бундай талаблар ўқиши ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий тажрибалар тўплашни, уларни ишида қўллай билишини тақозо этади. Одам боши ва танасини рангтасвирини ишлашдан аввал натюромотларни пухта ишлашни ўрганиб олинган бўлиш керак. Акс ҳолда, яхши натижаларга эришини мушкул бўлади. Одам боши тасвирини ишлашни бир-бири билан узвий

боглиқ ҳолдаги бир нечта босқичларга бўлиш мумкин. Улар қўйидаги-лардир:

1. Бош тасвирини «гризайль» техникасида бажариш.
2. Бош тасвирини кундузги ёруғлик шароити муҳитида тасвирлаш.
3. Бош тасвирини сунъий ёритилган ҳолатини акс эттириш.
4. Бош рангтасвирини очиқ ҳавода «пленер»да тасвирлаш.

Маълумки, илгариги саҳналарда айтиб ўтилганидек тасвир ишлашда чизилаётган нарсанинг туси (тон) ни тўғри акс эттириши, шунга муво-фик рангини бериш муҳим аҳамиятга эга. Бош тасвирини ишлаш машқ-ларида ҳам, бу асосий нарсадир. Бунинг учун аввал тасвири тўқ-очлиги-ни, шакл хусусиятларини топиб аниқ тасвирлашни ўрганиб олиш керак. Бунда «гризайль» техникасида машқ ишини бажаришга тўғри келади. Чунки шундай қилинганда бошни ҳажмдорлиги, шаклини юзага чиқаришини ўрганиш қулайдир. Ундан ташқари битта ранг туси билан тасвир ишлан-ганда кўпроқ буюмнинг (натиормортда), бошнинг (портретда) шаклига ва ҳажмини кўрсатишга кўпроқ эътибор бериш мумкин бўлади. Чунки ранг товланишлари, жилвадорлиги бунда иккинчи даражали ҳисобла-ниб туради. Бундай ҳолда мўйқалам ишлатиш техникаси, усувларини ҳам маълум даражада такомиллаштириб олиш имкони туғилади.

Бош тасвирини ўрганиш одатдагидек чизилаётган шахснинг ўзига хос томонларини «тадқиқ этиш» дан бошланади. Бунинг учун аввал қалам-чизмалар, бир нечта қисқа-қисқа мулдатли ранглар ҳолатилади. Битта рангда, кўпинча жигарранг «марс»ни ёки қора рангни оқ билан қўшиб ишланадиган тасвирда одам, бошининг шакл, тўқ-очлик муносабатла-ри, фонга нисбатан қандай яхлитлиқда кўриниши, ундаги асосий қисм-ларнинг тархи белгилаб олинади. Ана шундай ёрдамчи иш бажарилгач асосий вазифани бошлаб, батафсил тасвирни ишлашга ўтиш мақсалга мувофиқдир. Узоқ мулдатли тасвирда эса ҳар бир майда унсур ҳам эъти-борга олинниб аниқ ишланади.

Тасвирни бажарганда мўйқаламнинг япалогидан фойдаланилиши ҳар бир сатҳни бўлиб-бўлиб, шаклига мос равища бўрттириб акс эттириш имконини беради. Чунки мўйқалам шакл йўналиши бўйича ишлатилади. Суртмалар ҳар бир бўлакни ифодалайди. Бош тасвирини ишлашда унинг атроф муҳитдаги ҳолатига ҳам жиддий эътибор бериш керак. Чунки унинг кўринишига атрофдаги барча нарсалар маълум даражада ўз таъсирини кўрсатади. Тасвирни юзага чиқаришда айниқса орқа томон (фон)нинг ўрни каттадир. Чунки чизилаётган бош унга нисбатан тўқ ёки оч бўлиб «силуэт»да кўринади. Шу сабабли қўйилмани икки хил ҳолатда, яъни очиқ ва тўқ тусли ортлик (фон) билан ишлаб машқ қилиш яхши самара беради.

Тасвирланётган бош агар тўғридан ёки ён томондан ёритилса, унда-ги ҳар бир бўлак (деталь) бўртиб кўринади ва шунда уни яхлит тасвири-ни ишлаш қулай бўлади. Аввал катта шакл тус (тон) муносабатлари ях-лит қилиб олингач майда бўлаклар ҳам батафсил ишланади. Бунда албат-

та соя-ёруғ, акс шуыла (рефлекс) ларга эътибор берилиши, ўхшатиб ўз ўрнида тасвирланиши зарур. «Гризайль» вазифаны бажарганда бошни сунъий ёруғлик манбаи билан ёритиш яхши самара беради. Шундай қилинганды чизилаётган объект аниқ, тиник күриниб туради. Ҳажми яхши англашилади. Бошнинг шаклини кўрсатишни унинг соя жойидан бошлангани маъқул, шунда тасвирни яхлит ишлаш имконияти пайдо бўлади. Сунг яримсоя, рефлексларга ўтиш мумкин. Аввал фонни тўлиқ ишлаб олгач, кейин бошни тасвирлаш ярамайди. Иккаласини бирваракай, тенг қилиб олиб борган яхши. Шунда тасвирни яхлит қилиб кўрсатиш осон бўлади. Бошни асосий «силуэт» ини топиб соя-ёругини лўнда қилиб олингач, майдада унсурларга ҳам ўтиш, уларни маълум даражада батафсил ишлаш мумкин.

«Гризайль» вазифаны ишлаб тажриба орттирилгач рангда ҳам машқлар бажариш мумкин. Бу ҳолатда барча ранг тусларидан унумли фойдаланилади. Ранг жилваларини мукаммал ўрганиш ишида машқ-вазифани ташқарида, очиқ ҳавода, яъни «пленер» шароитида бажариш яхши натижа беради. Бундай ишни талаба уй иши сифатида доимо адо этиб туриши унинг тажрибаси ортишига омил бўлади.

## Одам бошини рангтасвири устида иш олиб бориш босқичлари

Одам боши рангтасвирини ишлаш «гризайль» техникасини ўзлаштириб олингандан кейинги муҳим қисмлардандир. Маълумки тасвир ишлаш хоҳ у қаламтасвир бўлсин, хоҳ рангтасвир бўлсин, академик усулда шартли босқичларга бўлиб олиб борилади. Бундай бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда, методик кетма-кетликда фаолият юритиш ўкув-машқ вазифани муваффақиятли бажарышнинг омили бўлиб хизмат қилади.

Бош рангтасвирини ишлаш албатта бир нечта ёрдамчи қаламлавҳалар ишлаб кўриш, жой танлаш, қиёфачи бошининг ўзига хос шаклий хусусиятларини ўрганишдан бошланади. Улардан унумли фойдаланган ҳолда матога бошнинг қаламтасвири чизилади. Қуйилманинг раигдаги кўриниши қандай эканлигини ҳам бир-нечта кичик ранглар ҳалар ишлаб кўриш орқали тушунилади. Бунда унинг соя-ёруғлик муносабатлари, ранг хусусиятлари, яхлитлиги, катта шаклини белгилаб тусини ортлик (фон) га нисбати қандайлиги аниқлаб олинади. Ана шу тайёрлаб, синчковлик билан машқ қилиб кўрилган қалам ва рангли лавҳалар ёрдамида асосий вазифа-академик иш муфассал бажарилишига эришилади.

Ўкув-машқ вазифа қўйидаги тартибда олиб борилади:

1. Бош ва кийим қисмларининг ёруғлик ва соясининг фонга нисбатан яхлитлигини катта шаклини топиш.
2. Шаклини қисмма-қисм барча бўлакларини ўрганиб, батафсил акс эттириб чиқиш.
3. Умумлаштириш ва тасвирни тус-ранг ҳамда тузилиш – «конструктив» жиҳатларини яхлит кўриниш ҳолатига олиб келиш.

Юқорида көлтириб ўттанимиз үчі босқычдан биринчиси аввалий азиз-фалтарни бажариш пайтида анча-мунча ўзлаштириб олинган бұлғанлығы сабабли осон бажарилади. Кейинги иккі босқыч эса әндиги бұлалиттан машыгутоллар натижасыда ўргатилиши күзде тутилған. Иккінчи босқычда асосан бошнинг барча мұхым ҳисобланувчи қыслар алохода-алохода синчиклаб, ұжми ва шаклини чуқур таҳлил қылған қолда, иложи борича батағсил ишлаб чиқылади.

Аммо батағсиллик умумий катта шаклга ва катта ранг умумлашмаларига путур етказмаслиги керак. Ҳар бир кичик үнсүр ранги ҳамда шакли ишланар экан, уннинг катта ұжмыға ва умумий ранг гаммасыға нисбетінде зерттеуде шалыптырылғанда шартлардан биридей.

Бош тасвири майда қысларини, айниқса, күз, қош, бурун, оғиз, қулоқ кабиларни акс эттириш жараёни жуда нозик ва күп меңнат талаб этадиган ишледі. Уларни тасвиrlагандың күп нарсаларни ақел ва тажриба билан ұл қилиш керак. Масалан, баъзи үқуви кам талабалар күз, қош, бурун, оғизни чизиқтар билан ифодалаб қоя қоладилар, уларнинг ўз шакли, ұжмы мавжуд эканлығында чуқур зерттеуде бермайдылар. Ваҳоланки, ҳар бир шаклнинг бүртиб соя-ёруғға зәға бўлиб, ұжмы ранги ўзгача эканлығини сезиб олиш қийин эмас. Бунинг учун уларни ўзаро фарқларини солишириб аниқлаш ва ўхшатиб акс эттириш мумкин. Бунда уларнинг рангидаги фарқларни ҳам мустасно қилиш керак эмас.

Бошнинг ортликка нисбати уннинг ранги, түқ ёки очроқ тусга зәға эканлығини түғри, аниқ топиб тасвиrlаш иши ҳам мұхым аҳамият касб этади. Үнда бошнинг ҳар бир қисми батағсил ишланишига қарамай умумий күриниши яхлит қабул қилинишига эришиш тақозо этилади. Шундай ҳоллар ҳам учрайлики, үнда талаба тасвиr этилаётган бош тасвиridаги соя-ёруғликларни түғри ишламай жуда түқ ёки оч қилиб қояди. Шуylаларни ҳам ортиқча бўрттириб, ёрқинлаштириб юбориб, умумий рангтус яхлитлигига путур етказади. Ваҳоланки акс шуylалар (рефлекслар) соянинг ичидә, уннинг таркибида бўлиши керак. Уларни ўта бўрттириб юбориш соя қисмининг майдалашиб кетишига сабаб бўлади.

Ишни умумлаштириш босқычидә барча майдалаб, батағсил тасвиr этилган қыслар «катта шакл»га бўйсундирилишига алохода урғу берилиши талаб қилинади. Умумлаштирилганда таниқли педагог-рассом П.Чистяков таъбири билан айтганда «...күзни бор аниқлиги билан онгли қилиб тасвиrlаш керак, бурун ва оғизни бемалолроқ ишлаш лозим, бошқаларни эса умумлашиб күринса ҳам бўлади».

Бош тасвирини ишлагандың уннинг қандай күринишига таъсир этувчи композиция марказында ҳам күп нарса боғлиқ. Композиция яхши топилған ва у тус, ранг, түқ-ёруғ муносабатлари билан юзага чиқарилған бўлса, машқ-вазифа ижобий натижада аниқ.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, машқлар фақат аудиториялаги ишлар билан чекланмаслиги керак. Ўй ишларини тез-тез ва қунт билан адо этиш талаба билими ва тажрибасини оширишнинг мұхым омилидир.

## **Ҳар хил масофада турған одам гавдасини рангтасвирида ифода этиш**

Илгариги сахифаларда айтилғанлардан маълумки, интеръердаги одам қиёфасини, хоҳ у ялангоч бўлсин, хоҳ кийимда бўлсин тасвирилаш қийин жараён ҳисобланади. Бунинг учун анча тайёргарлик босқичларини аввалги машгулотларда назарий ва амалий томондан ўтилган эди. Шу сабабдан бу мавзунинг илгари айтиб, қайд этиб улгуримаган қирраларига тұхталиш жоиз.

Маълумки, олам хона ичида, интеръерда бўлганла у ва ундан ҳар хил масофада жойлашган нарсалар ёки бошқа одамларнинг қиёфаси мұхит ҳолатига мувоғиқ ўзгариб кўринади. Бунда тасвири тасвир объекти узоқ ёки яқин масофада жойлашганлигига қараб планларга ажратиб акс эттириш йўли қулайлир. Бундай иш ўқув қўйилмасида икки кипидан иборат композициявий вазифани ишлаш талаб қилинганда амалга оширилади.

Мураккаб композицияли, мавзули воқеабанд қўйилмаларни тасвириланда хона ичидаги ёргулик қандай ҳолатда эканлиги мұхим роль ўйнайди. Чунки чизилаёттан пайтла тасвир объектининг асосий қисмлари бўрттириб кўрсатилиши, асосий нарсалар юзага чиқарилиши, зарур эмаслари эса хирадроқ акс эттирилиб узоқлантирилиши талаб қилинади. Шундай мұхит ҳолатларини кўрсатиш албатта ранг-тусларни усталик билан ишлатишни, тажрибани тақазо этади. Ранглар мажмунининг ўзаро уйғунликда тиниқ-ёрқин ёки хира туслари сўниқ тасвирилаш орқали ҳам мавзу моҳиятини, мазмунини очиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳолла ранглар гаммасига, унинг маънолорлигига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг «калити» топиб қулланади.

Маълумки, интеръерда ташкил қилинган қўйилмани ишлаганда унинг композиция марказини топиб, ўқув қўйилма ифодавийлигини янада яхши қилиб таъминлаш мумкин. Бунда композиция марказига урғу берувчи ранг ва тус муносабатларига мурожаат этилади. Улар бўрттириб тасвириланади.

Хуроса қилиб айтганда, тасвирий воситалар, имкониятлар жула кўп, фақат уларни ўз ўрнида усталик билан қўллашни билиш керак. Маҳоратни, назарий ва амалий билимларни ошириш учун кўп машқ қилиш, изланиш, меҳнатдан қочмаслик керак. Шунда ҳам ўқув машқлар, ҳам ижодий ишлар сифати кафолатланади. Бугунги талаба эртага нафақат яхши мутахассис рассом- педагог, балки ижодкор – мусаввир бўлиб етишар, бу эса унинг интилишларига, ҳаракатига bogliq. Мұхими, талаба ўз ўқитувчиси томонидан қўйилган ҳар бир вазифани тўлиқ ва бекаму-куст, вижданан бажариши лозим.

### **Одам гавдасини рангтасвирида ишлаш йўллари. Одам юзи, қўли, кийимини ифода этиш**

Одам гавдаси, баданини рангтасвирини ишлаш энг мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Чунки кийим ичида турадиган, қуёша қораийиб, ранг олмаган, одам териси жуда нозик ранг тусларида бўлади. Уни тас-

вирлаш, ранг-тусини ўхшатиб ифодалаш анча қийиндир. Одам, гавдаси-ни ҳар хил күренишларини турли вазиятларда акс эттириш инсон тана-си тузилиши, анатомияси, ўзига хос шакл-шамойилини ўрганишни, пластик ечимини топишни тақозо этади. Шунинг учун чизилаётган одам кексами, ёшими гавдасининг конструктив тузилишини аввало қаламтас-вирини чизиб, ўрганилиши керак. Бунинг учун майда қалам чизмалар, ранглархалар бажариш, шакл ва ранг-тус муносабатларини таҳлил қилиб ўрганиш лозим. Шундан сўнг энг мақбул, чиройли, кўзга яхши ташла-надиган жойдан туриб тасвирни матога тушириш бошланади. Унда гав-данинг сатҳда жойлашиши композиция томонлари пухта ўйлаб чизилади. Рангда ишлаганда катта шакл, ранг уйғулигига ҳам алоҳида эътибор би-лан қаралиши, мутаносиблик барча нарсада ўз аксини топиши керак. Улар эса гавданинг ҳар бир бўлаги, ранги, соя ёруғлигига намоён этилади.

Одам гавдаси унинг соя ва ёруғ жойларини яхлит қилиб ҳам тус, ҳам ранг жиҳатидан ишлаб чиқишидан бошланиб, ҳажмни кўрсатишига ёрдам берувчи унсурлар-яримсоя ва акс шуълаларни белгилаш билан давом эттирилади, бунда ранг колорити ҳам мувофиқ тарзда кўрсатилади. Ай-ниқса, гавданинг қорин ва бел қисмлари ранг жиҳатидан жуда мурак-каб, нозик товланишли тусларга эгалиги билан ажralиб туради. Уларни «нюанс»лар ёрдамида ишлаш мумкин. Бунда ҳам тус, ҳам ранг ўзгариш-ларининг салгина фарқи ҳам ҳисобга олинади. Одам танаси агар кийим билан тасвирланаётган бўлса, кийим тана қисмлари шаклига монанд бурмалар ҳосил қилиб туриши ҳисобга олиб ишланади. Акс ҳолда унинг тагидаги балан сезилмайди ва тана пластикаси бузилиб кўринади. Бунинг учун аввалдан матоларнинг қандай бурмаланиб туриши, натюромортлар ишлаш жараёнларида ҳам яхши ўзлаштириб олингани қўл келади.

Юқорида биз одам боши ва юзини қандай ишлаш кераклиги усти-да тўхтатган эдик. Гавда тасвирини бажарганда одамнинг бош ва юз қисмлари бўйин ва бошқа аъзолар билан биргаликда, узвийликда тас-виранади. Шу томонига алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга му-вофиқдир. Чунки уларни пластик ва қурилиш жиҳатидан боғлаб ифо-да этиш анча мураккаб бўлиб, саъй-ҳаракатлар талаб қиласидиган маш-гулодтирди.

Инсон гавдасини рангтасвирини қай йўсинда, қандай кўринишида ишламанг, унда албатта қўл тасвирининг ўрни каттадир. Чунки қўл ҳара-катлари, туриш ҳолати орқали гавда, инсон танаси вазиятлари, ҳара-катли ҳолатлари яққол бўртиб кўринади. Қўл яхши акс эттирилса тасвир эътиборли ва тўқис кўриниш касб этади.

Кийимли портретда қўл тасвири ҳатто инсоннинг «иккинчи юзи» деб ҳам аталиши бежиз эмас. У орқали инсон кайфияти, унинг ички руҳий кечинмалари ҳам бўртириб кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун қўлга иккинчи портрет сифатида қараб, худди инсон юзини қандай эътибор билан ишланса уни ҳам шундай диққат билан тасвирламоқ керак.

## **Яланғоч ғавдадан рангларда ишлешілген талаблар**

Одамнинг кийимсиз, яланғоч ғавдаси, баданини рангтасвирида акс эттириш анча қийин иш. Бу үкүв – академик вазифаны бажариш тасвири ишлешнинг деярли барча ёрдамчи босқичларини үтилгач амалга оширилади. Яланғоч танани тасвирилашда унинг тайёргарлик босқичи, рангларда чизиш катта аҳамиятта эга. Чунки унда талабанинг қўйилмадан олган илк тасаввури, таассуротлари мужассам булиши маълум. Ранглар ҳам ўз навбатида қаламтасвири, тезкор чизгилар амалга оширилгач ишланади. Улар кўпинча картонларга ишланиши мумкин. Бундай машқлар пайтида тасвири этилаётган одам қиёфасидаги умумий шастрик ва рангга оид жиҳатлар, шу билан бирга яхлитлик масалалари тезкорликда ҳал этилиб бажарилади. Маълумки рангларда унча кўп муддатда бажарилмайди, энг кўпиди бир, бальзан эса иккисеанс ишланиши мумкин. Ана шунда одам қиёфасининг асосий ранг-туси, шакл хусусиятлари ишлаб олиниб ифодали акс эттирилиши талаб қилинади. Бунда қиёфачи тасвири тархи яхлит кўриниши, ортиқча майдо қисмлари ҳам умумлаштириб олиниши керак. Шундай қилинганда унинг фонга нисбатан тутган ўрни, композиция мезонларига, ўлчамларига амал қилиниши енгил кўчади.

Яланғоч танани тасвирилашда жуда кўп ранглар мажмуидан фойдаланиш шарт эмас. Рангларда асосий ранг ва тус муносабатларини, шакл кўринишидаги яхлитликни ифодалаши кифоя. Бунинг учун ҳар бир тана аъзоси умумлаштириб, соя-ёргулиги аниқланиб акс эттирилади. Агар ранглар худди натюромортдагидек бор ранг-баранглиги билан кўлланса, тасвири бачканга, гайритабиий чиқиб қолиши эҳтимоли бор.

Ранглардан тезкорлик ва илк таассуротлар йўқолмасдан ишлеш керак. Ана шунда у аслига кўпроқ ҳам ранг, ҳам шакл жиҳатидан монанд булиб чиқади. Яланғоч ғавдани белгача, тиззагача ёки бутун танани кўрсатиб тасвирилаш мумкин. Бу үкүв-машқ вазифада қандай талаблар қўйилганига боғлиқ. Улар ҳар хил фон билан турлича ёргулик шароитида кўп марталаб ишланиши керак. Шунда маълум ижобий натижаларга эришилади.

## **Гуашь бўёғида ишлешнинг йўллари**

Гуашь бўёғи акварель бўёғининг тамоман акси булиб, у каби тиник, жарангдор тус бермайди. Ранглари ёргулкни ютганлиги сабабли унинг тагидаги қофоз кўриниб, сезилиб турмайди. Таркиби эса акварелники сингари – бўёқ кукуни ва у ни боғловчи моддалардан иборат. Аммо улар маҳсус ёғоч елими билан мўтадил нисбатларда аралаштирилган бўлади. Гуашь бўёғининг яна бир муҳим жиҳати унинг оқ бўёқ билан аралаштириб ишлатилишидир. Шунинг учун унинг ранглари унчалик жарангдорлик касб этмайди. Бўёқни ишлатиш учун мўйқаламлар ҳам маҳсус танланаб олинади ва улар жуда юмшоқ бўлмаслиги, бир оз дагалроқ булиши

мақсадға мувофиқдир. Тасвир ишланадиган сатқ, яъни қоғоз ёки картон ҳам силлиқ бұлмагани яхши. Унинг юзаси иложи борича елимли қопла- ма (грунт) билан ишлов берилған бұлиши зарур. Шунда унинг сатқига гуашь бүёгини яхши суртиш мүмкін бұлади. Гуашь күпинча график иш- ларни, безакларни, плакатларни ишлаша да қисман рангтасвирларни бажаришда фойдаланиладиган, сув құшиб ишлатиладиган, тез қурийди- ган бүекдир. У билан тасвирлар бажаришнинг мураккаблиги шундаки, бүек суртилған пайтида тұқ, қуригандан кейин эса очлашиб қўринишидид. Шу жиҳатини ҳисобга олиб турилмаса ранглар орасидаги мувофиқликни уш- лаб туриш анча қийин кечади. Бунинг учун одатда ҳар бир суртилған асосий ранглар алоҳида-алоҳида маҳсус идишчаларда тайёрланиб олиниб, сўнг унга бир оз бошқа қўшимчалар аралаштириб тасвир ишланади. Ранг- ларни ишлатишда, унинг тұқ-очлиги, ранг тусларининг қандай топилга- нини доимо текшириб, билиб туриш учун бир бұлак қоғозга тайёрланған аралашмани суртиб аниқлаб, сўнг қўлланса мақсадға мувофиқ бұлади.

Гуашь бүёғида жуда күп ўтмиш рассомлари ҳам асарлар яратғанлик- лари маълум. Уларнинг ажойиб-ажойиб натюроморт, манзара, театр бе- заклари, портрет, плакатлари жаҳон тасвирий санъати хазинасидан үрин олган. Аммо, шуниси борки, бу нозик, сақланиши анча қийин бұлған ишларнинг айримлари, айниқса қуюқ қилиб ишланғанларининг бүек- лари үчиб, тұқилиб тәъмир талаб бўлиб қолғанлиги сир эмас. Гуашь бүёғида тасвирларни бажарғанда иложи борича ҳар бир ранг тузи учун ало- ҳида-алоҳида мўйқалам туттган маъқул. Шунда рангларни тиниқ ва тоза, жозибали чиқишига эришилади. Мўйқаламларнинг турли ўлчамлардаги- си, ва юмалоқ ҳамла япалоқ, қўринишдагиларидан фойдаланилади. Ай- ниқса, япалоқ мўйқалам безак ишларида ҳамда тезкор ранглар ҳаларни ишлаша жуда қулайдир. Гуашь бүёғида ранглар ҳа ва айниқса портретлар ҳамда одам тана қисмларини тасвирлаш, нозик ранг товланишларини бериш қийин ишдир. Бунинг учун анча мунча маҳорат, билим, тажриба керак бўлади. Тасвир ишлашнинг йўл-йўрги, усулларини пухта згallahаш эса кўп амалий машғулотларни талаб этадиган жараёндир.

Катта-катта монументал асарларнинг эскизлари ҳамда композиция лойиҳаларини, байрам муносабати билан тайёрланадиган суратларни ҳам гуашда бажариш қулайдир. У билан кенг қамровли, маҳобатли тас- вирлар тез ишланади.

Рангтасвир усталарининг асарларини кузатар эканмиз, уларнинг ҳар бири технологияси ҳамда услуги жиҳатидан нақадар ранг-баранг экан- лигини қўрамиз ва рассомлар маҳоратига тан берамиз. Чунки ижодкор- лар бүекнинг тасвир имкониятларини усталик билан қўллаганлар. Асар- ларнинг бири қуюқ бүек қатламидан фойдаланиб ишланған бўлса, бош- қаси эса жуда нозик, юпқа қатламда бажарилған. Шундай асарлар ҳам борки, улар мураккаб аралаш техникада бажарилған. Яъни ҳам аква- рель, ҳам гуашь технологияси усталик билан қўлланған. Бундай маҳо-

ратли ишланган асарлар қаторига рус рассомлари В.Серов, К.Юон, В.Кустодиевларнинг ижод намуналарини кўшишимиз мумкин. Шуниси ҳам қизиқарлики, айрим рассомлар акварель бўёғида яратган асарларида гуашнинг фақат оқини ишлатганлар ва бу яхши самара берганлиги кўриниб туради. Бунлай асарларга С.Герасимов ижодига мансуб ишларни мисол қилиб кўрсатишмиз мумкин.

Гуашь, бўёғининг кейинги пайтда янги кашф этилган тури ҳам мавжуд бўлиб, унинг номи «флуоресцентли гуашь» деб аталади. Унинг ижобий томони сунъий нур туширилганда ёрқинлик касб этиб, «ял-ял» ёниб кўринишидир. Чунки унинг химиявий асослари ультрабинафша, бинафша, кўк, яшил нурлардан файриодий ёрқин ва табиатдагидан икки-уч марта кучли рангда товланиб кўринади. Шу сабабдан бундай бўёқ тури театр безакчилигига кенг қўлланмоқда. Унинг таъсиран ярқираб кўриниши учун одатда кварц лампалари нуридан ҳам фойдаланиш расм бўлмоқда.

Ўқув-машқ ишларни бажаришда, айниқса натюромортларни ишлашда гуашь бўёғидан фойдаланиши жуда ҳам қўл келади. Уни мойбўёқ тасвиirlар ишлашдан аввал ўрганилса мақсадга мувофиқ келади. Шунингдек турли композицияларнинг эскизларини, ўқув-машқ намуналарини гуашъ техникасида бажарин қулайдир. У билан катта-катта сатҳларни яхлит қилиб бўяш, тез ишлаш мумкин.

### Мойбўёқ рангтасвир техникаси

Мойбўёкла тасвиirlарни ишлаш рассом учун ҳам, энли ўрганаётган талаба учун ҳам жуда қизиқарли машгулотdir. Аммо бу машгулотнинг жилдий қийинчилклари ҳам мавжуд бўлиб, у мойбўёқ рангтасвир технологияси билан ҳам боғлиқ. Чунки мойбўёқ билан ишлаш маълум тайёргарликни талаб этади. Уларга бўёқларни танлаш, иши учун сатҳ (мато) ни тортиб тайёрлаш, уни қоплама (грунт) билан ёпиш, мўйқаламларни танлаш, эритгичларни танлаб олиш каби зарур талбирларни киритиш мумкин. Мойбўёқ тасвиirlар ишлашни ўрганиш натюромортларни чизиб машқ қилиш орқали ўзлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мойбўёкли натюроморт рангтасвирини ишлаш жараёнининг айрим томонлари акварель техникасига ўхшаш. Чунки бунда ҳам аввал қаламтасвир чизиб олинади. Агар сувбўёқда ишлаш учун тасвир мукаммалроқ, майла детайлари билан батафсил чизиб олинса, мойбўёқда ишлаш учун эса чизмatasвир умумлаштирилиб энг асосий нарсалар акс эттирилади. Бунинг сабаби, мойбўёқда ишлаш жараёнida батафсиллик мўйқаламда ҳам бажарилиши мумкинлигидандир. Мойбўёқда бирор рангни очлаштириш учун унга оқ ранг керакли даражада қўшилади. Шуниси ҳам борки, оқ ранг қўшилгач, бўёқнинг ёрқинлигига маълум даражада камаяди. Буни ўқув машқларини бажариш жараёнida албатта ҳисобга олиш лозим. Акварель техникаси каби жиҳатлардан бири иш жараёнини асосий

узоқ муддатли вазифани бошлишдан аввал ранглархан, чизмалавчалар ишлаб олиннишидир. Шунда бўлажак рангтасвирнинг асосий хусусиятларини тажриба қилиб кўриб ўрганиш, асосий ишда уни қўллаш мумкин бўлади.

Мойбўёқ тасвирларини ишлаш учун маҳсус ашёлардан фойдаланилади. Улар ромга тортиб тайёрлаб, қоплама суртиб олинган (грунтланган) мато, мойбўёқларнинг керакли хиллари, бўёқтахта (политра), мўйқаламларнинг турлича катталиктаги хиллари, «мастихин» ва эритгичлардан иборатдир.

Ромга тортилган мато қандай тайёрланганлиги тасвир сифатини белгилайдиган омиллардан биридир, десак хато бўлмайди. Унинг қопламаси (грунти) икки хил тарзда тайёрланиши мумкин. Бири мойли қоплама бўлиб, у қўйидагичадир: 5 фоизли елим (желатин, балиқ ёки дурадгорлик елими) аралашмаси шунга тенг ҳажмдаги бўрга қўшилади. У билан мато сатҳи қопланади. Бир марта суртилгандан сўнг қоплама бўёқ қатлами тайёрлаб олинади. У қўйидаги таркибда, яъни – маҳсус оқартиртирилган (офтобда тобланган) рангтасвир ёғи, куруқ оқ бўёқ кукунидан қўшиб тайёрланган аралашма бўлади. Ёғ ва кукуннинг нисбати шундай бўлиши керакки у тайёр, маҳсус идишга солиб чиқариладиган мойбўёқлардан суюқ бўлмасин. Шунда уни бемалол мато сатҳига «мастихин» билан текис қилиб суртиб чиқиш мумкин бўлади. 1-2 ҳафта қуритилгач ғадир-будир ерлари кўмқофоз билан яхшилаб текисланади ва сквидар аралаштирилган мойли қоплама ясси, катта мўйқалам («флейц») билан текис қилиб бўяб чиқилади. Бундай усулда тайерланадиган мато 2-3 ой мобайнида қуритилади. У сақланадиган жой илиқ ва куруқ бўлиши шарт.

«Енимли қоплама» деб юритиладиган қопламанинг иккинчи хили қўйидагича тайёрланади: 1 л. сувда 50-60 гр. желатин эритилади ва унга 15 гр. глицерин қўшилади. У матога 1-2 марта суртилади. Биринчи марта суртилгани куригач кўмқофоз билан мато усти текисланиб олинади, сўнг иккинчиси суртилади. Шундан сўнг елим аралашмаси бўр ва оқ бўёқ кукуни билан тенг нисбатларда 40 С даражали иссиқда эритилади. Агар унинг таркиби куюқ бўлиб қолгудек бўлса, ўша елим аралашмасидан қўшилади. Бундай қоплама 2-3 марта қаватма-қават қилиб суртилади. Улар оралиғида қуриши учун маълум вақт бўлиши шарт.

Қопламалар яна маълум ранг тусида ҳам тайёрланиши мумкин. Улар кўпроқ ижодий ишларни бажаришда ва композиция яратиш жараёнларида қўл келади. Мойбўёқда ўқув-машқларни бажаришда ранг хилларидан ҳам унумли фойдаланиш талаб этилади. Вазифаларни ишлаганда жуда кўп ранг хилларидан билиб-бilmай ишлатиш яхши самара бермайди.

Табиатда еттита асосий ранг (бўёқ) борлиги маълум. Улар қизил, норанжи, сариқ, яшил, ҳаво ранг, кўк, бинафша ранглардир. Бўёқ аралаштириладиган тахтада (политрада) бўлиши жуда зарур ранг хиллари эса қизил, сариқ, кўк бўёқдир. Чунки уларни бошқа қолган асосий рангтуслар воситасида ҳосил қилиб бўлмайди. Буларнинг аралашмасидан жуда

күп, деярли барча рангларни чиқариш, ҳосил қилиш мүмкін. Улардан ұтто қора ранг тусини ҳам топиш мүмкінліги сир әмас. Фақат қайси рангни бир-бирига қанча миқдорда аралаштиришни билиш кифоя. Буннинг учун эса албатта тажриба ва уқув булиши керак.

Шуни ҳам таъкидлаб үтиш керакки, табиатда абсолют оқ ва абсолют қора ранглар мавжуд әмас. Уларнинг барчаси қандайдыр бир ранг товланишида бұлади. Масалан, қоранинг жигарранға, күкка, яшилға мойил эканлигини күришимиз мүмкін. Оқ рангнинг турлы нозик тусларға мойиллігі ҳам табиий. Бундай ранг ва тусларнинг ҳамда уларнинг тұқочыларини топиб тасвирлаш учун мойбүёқда ишлаш техникасі жуда қулайдыр. Шу имкониятларнинг көнглигі билан у бошқа бүёқ турларидан ажралиб туради.

Мойбүёқ техникасіда рангтасвирлар бажарғанда мүйқаламларнинг қандай турлари ва үлчамлардагиларини ишлатиш ҳам мұхимдір. Уларни танлай билиш күп фойда келтиради. Маълумки натюромортларни, катта ишларни бажаришда япалоқ ва дағал мүйқаламларни құллаш иш сиғатини, таъсирчанлигини таъминлады. Мойбүёқларға суюлтирувчи, эритувчи воситалар құшиб ишлатилади. Улар мойли ва мойи камайтирилған булиши мүмкін. Мойлироғи бүёқни секін қуриши учун яхши восита бўлиб, у билан фойдаланилған пайтда рангтасвир секін қурийди. Шу сабабли узок муддатда бажариладиган тасвирларни ишлашда қулайлик яратади. Бундай эритгичларға баъзан лак ҳам аралаштириб ишлатилиши мүмкін, шундай қилинганда ишнинг бүёқ қатлами тезроқ қурийди ва бүёқнинг мойи матога шимилиб кетишининг олди олинади.

Шуни ҳам таъкидлаб үтиш керакки, мойбүёқ техникасіда ранг қориладиган маҳсус таҳтача (политра) нинг юзасыда бүёқларни қандай жойлаштириш масаласи ҳам мұхим. Үнда бүёқлар иссиқ-совуқ рангларға ажратыб, шу билан биргә тұқ-очлигига қараб ажратыб жойлаштирилиши мүмкін. Оқ бүёқ одатда үртада ёки ранглар қаторининг бошланишида бұлади. Агар ҳар сафар бир хил жойлаштирилса, рассом шунга үрганиди ва керакли бүёқни дарров топиб ишлатиш имкониятига зәға бұлади.

Мойбүёқда тасвирлар ишлашнинг жуда күп үрганилиши керак бўлған томонлари бор. Уларнинг барчаси күп машқ қилиш орқали үрганиб олиш имконини беради. Тажриба назарий ва амалий томондан мунтазам машқ қилиш натижасыда ошади. Бунда маҳсус адабиётларни мутолаа қилиш ҳам яхши ёрдам берувчи воситадир.

Рангасвир мавзусига оид сурат-иловалар



Р.Ахмедов. "Меналар" наторморт 1972 й.



А.Шилов. "Аёлнимнинг портрети" 1976 й.



Н.Орипова. “Қашқадарёлик аёл” портрети



Б.Тожиев. "Баҳор лолалари"




Р.Ахмедов. "Нигора портрети" 1976 й.



Н.Абдусаломхұжәев. “Ховли”



Н.Абдусаломхұжәев. “Хумсон қишлоғи”



Р.Ахмедов. "Рассом Э. Калонтаров портрети"



А.Исаходаев. “Хумсои” манзараси



А.Исаходаев. “Чимён” манзараси



Б.Тожиев. “Атиргуллар” натюрморт

### III БОБ.

#### Композиция. Композиция ўқув предмети сифатида

Композиция ҳақидаги тушунчалар жуда көнг қамровли ва маъноларга эга бўлган тушунчадир. У барча ижодий жараёнларга тааллуқли бўлиб, деярли ҳамма санъат турларининг асосини ташкил этади. Композиция унсурлари мусиқада ҳам, театрда ҳам фотографияда ҳам, адабиётда ҳам, ҳайкалтарошлик ва албатта бошқа тасвирий санъат билан алоқадор соҳаларда мавжуддир.

Композиция унсурлари бўлган – мутаносиблик, музозанат, яхлитлик сингари сифатларни олиб карасак, улар ҳар бир табиат воқеиликлирида мавжуд эканлигини сезиб олишимиз қийин эмас. Масалан, биз оддий дарахтни кўриб ҳам ундаги гўзалликдан ҳайратланишимиз табиий. Чунки ҳар бир нарса маълум тамойил ва қонуниятлар ичидаги мавжуддир. Уларнинг шакл ўлчамлари, тузилиши ўзаро мутаносиб кўринишлар касб этиши унда композицион мутаносиблик, шакл тузилишидаги музозанатнинг мавжудлигидан дарак беради. Бундай мисолни табиатдаги барча жисмларга тадбиқан келтириб ўтсан, кўп нарсанни англашиб олишимиз енгил кечади. Бунинг маъноси шундан иборатки, демак композиция қандай шакл ва мазмунда бўлмасин, аввалимбор у тафаккур маҳсулидир. Буни бадиий ижоднинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тушунишимиз маъқул. Чунки табиатдаги тайёр шакллар билан бадиий ижод маҳсулни бўлган шаклларни ўзаро фарқлашимиз даркор.

Маълумки композиция тушунчасининг барча санъат турларига алоқадор умумий жиҳатлари ва шунингдек, ҳар бир соҳага оид ўзига хос жиҳатлари бор. Уларни атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш талабалар ижодий фаолиятининг ўсишида муҳим аҳамият касб этади. Композицияни унинг қонуниятларини ўрганиш назария ва амалиётга бўлиниши табиий бўлиб, уни яхши ўзлаштириш учун нафақат йиллар, балки асрлар давомида бу соҳада яратилган назариялар ва тажрибаларнинг туб моҳиятини англашиб, ўқиб ўрганиш керак. Амалиётда қўллай билиш ҳам муҳимдир. Шуни ҳам унутмаслик керакки, мактаб ва ўқув юртларида дарс берувчи мутахассис, рассом-педагог композицияга оид билимлар билан тўла қуролланган бўлиши керак. Чунки болаларга расм чизиш сирларини ўргатиш жараёнининг кўп қисми мавзули расмлар чизиш амалиёти билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Маълумки, «Композиция» сўзи орқали рассомлар бадиий тасвирий санъат асарининг барча қисмларининг ўзаро муносабатларининг қонуниятини тушунадилар. Айрим шундай боялиқликлар албатта кўз орқали кўриб англашилади (сон жиҳатлари), бошқалари эса (сифат жиҳатлари) идроклаш, фикрлаш орқали қабул қилинади.

Қаламтасвир ёки рангтасвир асарининг композицияси «структур» суга алоқадор тушунчани моҳиятини қисқача тарзда кўриб чиқайлик. Бунинг учун композициянинг сон боғлиқлиги муносабатларини бирма-бир кел-

тириб ўтайлик: бу чизилаётган нарсанинг абсолют ўлчамининг унинг аслига нисбати, чизилаётган ўлчам томонларининг ўзаро нисбатлари, предметларнинг масштаби, улар орасидаги масофалар, нарсаларнинг қандай бурилиб турганлиги (тўғридан кўрингани – «фас», ёндан – «профил», ярим бурилган ҳолати, «комбинациялашган» – мураккаб ва ҳ.к.), уфқ сатҳи даражаси, ёруғлик манбайнинг ҳолати, соя-ёргунинг тақсимланиши, туси, соя ва ёргунинг нисбий мувозанати, шунингдек асосий ранг доғлари мувозанати, тасвиrlанаётган объектларнинг булакларининг ўзаро жойлашиши, қиёфалар ва фонга нисбатан «контраст»лар фарқи (ранг, соя-ёргуғ, ўлчам), композиция унсурларини фазодаги кўришини ташкил қилиш (метр, ритм) ва бошқалар.

Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчаси предметларнинг сондаги белгилариidir. Уларни ўлчаш ва санаб кўрсатиш мумкин. Композицияда қанча нарса иштирок этайдиганини аниқлаш имконияти аниқ. Шундай қилиб кўриш орқали қабул қилиш мумкин бўлган белгиларни композициянинг воситалари деб атасимиз мумкин. Бу асосда эса рассом уларнинг бевосита ёрдамида ўз фикрини ифодалаш имкониятига эга бўлади. Худди мусиқа яратадиган композитор ноталардан фойдалангани сингари рассом ҳам юқорида санаб ўтилган воситалардан фойдаланиб, ўз асари гоясини юзага чиқаради, тасвиrlарда кўрсатиб беради. Сондаги композиция сифатини таъминловчи, фикрни тулиқ ифода этишга хизмат қилувчи белгиларни жамловчи ҳолат мазмуни композиция тамойиллари дейилади. Улар: яхлитлик, мутаносиблиқ, ўлчамлар мувофиқлиги, мувозанат, бирлик ва узвийликдир. Булар орқали рассом ишнинг сифат даражасини таъминлади. Натижада асар композицияси юзаки эмас, балки чукур маъно касб этади, тафаккурлаш натижасида тушунилади. Рассом композиция тамойилларини усталик билан қўллаб, ҳар томонлама ютуққа эришади, композиция бекаму-кўст бўлади.

Маълумки, композиция тамойиллари уч хил кўринишда намоён бўлади. Улар қўйидагича: фронтал, ҳажм-фазовий ва чуқурлик-фазовий кабилардан иборат. Булардан биринчисининг белгиси – композициянинг иккита координат орқали (вертикал ва горизонтал) ривожланишини билдиради. Унда учинчи координат чуқурлик қолган иккисига бўйсунган ҳолатда иштирок этади. Бундай композиция амалий-безак композицияларида кўп қўлланилади. Ҳажм-фазовий композицияларида, эса шакллар уч ўлчамли ҳолатларда яратилади. Улар ҳар томондан туриб, айлануб қўришга мўлжалланган бўлиб, ҳайкалтарошлиқда қўлланади. Чуқурлик фазовий композиция предметларни картина текислигига тасвир этишда қўлланади ва дастгоҳли ранггасвирда фойдаланилади.

Тарихдан маълумки, ўтмишнинг улуғ рассомлари композиция масалаларига жуда жiddий ёндашганлар ва ўз асарларини яратишда умумлоиди бўлиб қолган тамойилларга амал қилганлар. Композициянинг «вертикаль», «горизонтал», «доиравий», «квадрат», «бурчак» ва бошқа кўри-

нишларини құллаб юксак натижаларға, гүзәл ифодавийлікка әришганлар, «Олтин кесим» композиция усулидаи унумли фойдаланиш ҳар соҳада құл келгани ҳам маълум.

Композиция түзишга моҳир бұлған ва уни үз асарларидан мукаммал даражага олиб келган мүйқалам усталари күп, уларға мисол қилиб қуидагиларни қысман атаб үтсак үрінли булади. Бундай үтмиш тасвирий саньати усталари: Леонардо да Винчи, Микеланджело, А.Дюрер, Ж.Д.Энгр, П.Рубенс, Рафаэль, Тинторетто, А.Иванов, К.Брюллов, И.Е.Репин, Я.Матейко ва бошқалардир.

Ўзбек рассомларидан тасвирий саньатнинг турли тур ва жанрларидан ижод қылған ва ҳозирги пайтда ажайиб асарлар яратиб келаётган мусавиirlардан айримларини санаб үтишимиз мүмкин. Ў.Тансиқбоев, И.Икрамов, З.Иноғомов, Ч.Ахмаров, Х.Хусниддинхұжаев, А.Абдуллаев, Р.Ахмедов, Р.Чориев, И.Жабборов, А.Бойматов, Ж.Умарбеков, Ш.Абдурашидов, А.Мирзаев, С.Абдуллаев, А.Икромжонов, Б.Жалолов, А.Нуритдинов, О.Қозоқов ва бошқа құплаб ижодкорларни бемалол композиция усталари деб аташимиз, уларнинг асарларини ижобий жиҳатларини таҳлил қилиб, ибрат олишимиз мүмкин, бу албатта ўқув-машқұларни бажариша назарий асос вазифасини үтайди.

### **Композициянинг асосий қонуниятлари**

Шу сабабли композиция түзиш ва уни үрганиш тамойиллари пухта үрганилиши зарур шартлардан ҳисобланади. Ҳаққоний тасвиirlар ишлашга жазм эттан реалист-рассомлар доимо табиат ҳодисаларини үзига үхшатиб тасвиirlash йўлидан борадилар, уни образли тарзда акс эттирадилар. Бу тасвиirlар кўр-кўроня кўчириб олинар экан деган тушунчани бермаслиги керак. Чунки ҳар бир ҳодиса ёки предмет тасвиirlанар экан у рассом салоҳияти натижасида үз образли умумлашма яхлит қўриниши ни топади. Бу албатта композициянинг умумий ва хусусий компонентлари асосида юзага чиқарилади. Рассом маълум танлаб олинган мавзуни, воқеликни тасвир этар экан, унга бұлған үз шахсий муносабатини билдиради ва шуни тасвиirlарда намоён этишга интилади. Натижада асарда образлилик яққол қўзга ташланади. Яхлит мазмун моҳият касб этади.

Маълумки, композициянинг қонуниятлари орасида яхлитлик қонуни мухим үрин тутади, яхлитлик ёрдамида мавзу моҳияти очиб берилади. Асарнинг мухим бұлған мазмунига тамошабин эътибори жалб этилади. Композициядаги яхлитликни таъминлашнинг турли йўллари ва воситалари мавжуд. Улар тасвир лўндалиги, ортиқча нарсаларнинг чекланганлиги, рангларнинг ва тусларнинг ўзаро мувофиқлиги, уйғунылиги орқали юзага чиқади. Мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фақат зарур нарсаларгина танлаб олиб тасвир этилади. Иккинчи даражали нарсалар асосий тасвир унсурларига буйсундирилади. Шу сабабдан ҳам яхлитликка

алоҳида эътибор берилиши керак. Композициядаги барча унсурлар фатқат тасвир жиҳатлари билан эмас, балки ғоявий жиҳатдан ҳам мазмун моҳиятига мосланиб акс эттирилади. Асосий нарса композиция марказининг қай даражада мос ва мувофиқ топилганига қараб алоҳида ажралиб туриши маълум. Шу сабабдан композиция марказини ҳам тасвир орқали, ҳам ранг-туслар орқали юзага чиқариш муҳимдир. Бу тамойилнинг қўлланиши барча тасвирий санъат тур ва жанрларидаги яратиладиган асарларга тааллуқидир.

Контрастлилик, яъни тасвир бўлакларининг ўзаро ва фонга нисбатан қарама-қарши моҳият касб этиб, кўриниши орқали юзага чиқалиган «визуаль» бўртиқлик, таъсиранчалик ҳам композицияда асқотадиган энг зарур қонуниятлар сафида туради. У ҳажмдорлик ва яссилик, тарх ва силуэт, ёргу ва қоронгу, илиқ ва совуқ, рангдор ва туссиз ўлчамлар контрасти орқали намоён бўлади. Композиция мазмун моҳиятини очиб беришда хизмат қиласди.

Масалан, ҳажмдор нарса тасвирини ясси сатҳли тасвир кўриниши орқали, яъни ёнма-ён қуйиб шакл бўртиқлигини янада орттириб кўрсатиш имконияти бор. Ўлчамлардаги контрастлилик орқали катта нарса ва кичик ўлчамдаги нарса орасидаги фарқлар орқали масштаб кўламига эришиш мумкин. Ранг-туслар орасидаги контрастлилик ҳам юқоридаги мисоллар каби ҳолатларда яхши намоён бўлади ва композиция мазмун моҳиятини очиб беришнинг зўр воситаси бўлади. Совуқ ва иссиқ ранглар фарқи орқали ҳам туйфуларга таъсири этувчи ҳолатларни юзага чиқариш ва композиция ғоясини янада бўртиришга эришиш имконияти бор.

Маълумки, шакллараро контрастлар ҳам қизиқарли натижалар беради, яъни одатдагидан ҳам кичикроқ ўлчам масштабида олиб тасвир этилган композициянинг унсури ёнидаги аҳамиятли нарса янада бўртиб маҳобатлилик касб этиши маълум ҳақиқатидир. Композициядаги ранглар контрастида яна шулар ҳам намоён бўладики, унда совуқ рангли фонда иссиқ, иссиқ рангли фонда совуқ рангли нарсалар бўртиб кўринади ва шу асосида таъсиранчалик касб этади.

Бадиий ижоднинг моҳиятига назар солар эканмиз, унинг муваффақиятига кўп нарса кераклигини билиб оламиз. Булар: бадиий ижод кучлари, яъни – меҳнат, ирода, илҳомланиш. Ижоднинг самара берувчи кучлари, яъни – фикрлаш, сезги (интуиция), тахайюл ва тасаввур ва бошқалардир. Бадиий ижод компонентларига эса - билим, дунёқараш, бадиий услугуб, бадиий нафосат лиди ва маҳорат кабилалар мансуб эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Қисқача хulosалаб айтадиган бўлсак, тасвирий санъат, хусусан композиция масаласида муҳим-номуҳим нарсалар бўлмайди, уларнинг барчаси зарур ҳал этиладиган вазифалардир. Кунт ва чидам билан иш олиб борилса барча нарсага, юксак натижаларга эришиш мумкин.

## Интеръер, фазо, атроф – мұхит ва вақт композициянинг факторлари сифатыда

Маълумки тасвирий санъатни үргатиши тажрибаси айниқса композиция масалаларини ҳал этиш жараёнида интеръер, фазо, атроф-мұхит ва вақт факторларини түгри очиб бериш унинг ифодавийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этишини күрсатади.

Маълумки интеръер күпчилик композицияларнинг мұхим қисми сифатида фойдаланилади. У айниқса натюрмортларни ишлашда күп қўлланади. Кенг қамровли мазмун моҳиятга эга бўлган натюрморт композиция асарларида ва шунингдек ўқув машқларида ҳам хона ичи тасвирланаиди. Унда эса албаттa композициянинг барча қонун-қоидалари ва амалларига риоя қилиниши тақозо этилади. Бунда унинг чизиқли перспектива курилиши, фазовий ҳолатлари, атроф-мұхит қўриниши реалистик тарзда методик изчилликда билимдонлик билан акс эттирилиши лозим. Агар композициянинг бирор-бир унсури эътиборсиз қолдирилса, унда умумтасвирий жиҳатлари бўш, таъсирсиз чиқиб қолиши мумкин. Масалан, натюрморт композицияларида атроф-мұхит, фазо ҳолатлари мұхим ҳисобланиб, уларни ифодали тасвирлаш орқали мавзуни белгиловчи замонавийлик ҳамда вақтни, асар ишланган пайтдаги фасл хусусиятларига довур аниқ, тиник кўрсатиб бериш мумкин. Мазмуннинг чукур ва қизиқарли чиқиши натюрморт қўйилиб тасвир этилаётган хона ичи, яъни интеръернинг қандай ёритилганлиги, ундаги буюмларнинг қандай жойлашганлигига ҳам боғлиkdir. Чунки улар орқали композиция гоясини янада теранрок, очиб бериш имконияти туғилади. Ана ўша ҳар бир ўзича мұхим бўлган нарсалар орқали вақт мезонларини, давр хусусиятларини ҳам тўлиқ бадиий тарзда ифодалаш мумкин. Одам қиёфасини интеръерда акс эттирадиган композицияларда ҳам вақт, фазовий ҳолатлар, атроф-мұхит тасвири орқали кўрсатиб берилади. Чунки улар композициядаги рангдорлик, тус-ранг муносабатларини, таъсирчанлик ва мазмунни белгиловчи компонентлар сифатида юзага чиқади. Маълумки ўқув машқларида, композиция чизиш жараёнларида бу мұхим омиллар асло унутылмаслиги лозим.

Чунки улар композициянинг ўлчамини, томонларининг ранг ва тўқочлик, демакки тус муносабатларини, яхлитлик ва мувозанатларини белгилаб, муаллиф ўз олдига қўйган гоя тасвирини юзага чиқаришда ёрдам беради. Мазмуннинг тушунарли, лўнда, қизиқарли чиқишида хизмат қиласиди. Хона ичини композициянинг бир компоненти сифатида тасвирлаш ҳам осон эмас. У кўпинча тасвир этилаётган воқеликнинг ёрдамчи бир фони вазифасини ўтасада, унга мұхим бўлак сифатида ёндошилиши керак. Масалан, интеръерни чизиқли перспектива ҳолати тўғри топилмас экан композициянинг фазовий ўлчамлари ва ифодавийлигининг ҳаққоний акс этиши мумкин бўлмай қолади. Ўз навбатида атроф-мұхит ҳам композициянинг мазмунини белгиловчи унсурлардан бири ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган маълум отлардан шу нарса аён бўладики, демак - интерьер, фазо, атроф-муҳит ва вақт композициясининг мазмунли чиқишида муҳим роль ўйновчи, ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда тасвиранадиган зарур композициянинг факторлари экан. Шу сабабдан уларнинг тасвирига катта эътибор билан ёндошиш зарур. Интерьерда акс этириладиган ҳар турли композицияларни бажаришдан аввал албатта қўплаб ёрдамчи эскизлар, мусаввада — лавҳа суратлар ишланиши керак. Улардан фойдаланган ҳолда композицияда хонанинг қандай қисми тасвир этилиши топилади. Перспектива кўринишнинг қурилиши таҳдил этиб белгилаб олинади. Бунда албатта ранг, фазовийлик ҳолатлари тус соя-ёруғлик муносабатлари орқали ифодаланади.

## Плакат санъати ҳақида

Маълумки графика санъатининг катта тармоғи ҳисобланувчи плакат жанри ўзининг қизиқарлилиги билан алоҳида ажратиб туради. У оммавий тарғибот ва ташвиқот ишларида жуда қўл келадиган, кенг маълумотларни одамларга тез, рангдор қилиб тасвирий воситалар орқали етказиш восита-сиdir. Плакат санъатининг мураккаблик томонлари ҳам бор. У мавзуни ёритиб беришила тасвирий воситаларни лўнда, тушунарли, аниқ қилиб қўллашни тақозо этади. Бунда албатта композиция ечими пухта, ҳар томонлама ўйлаб ҳал этилган бўлиши зарур. Плакатнинг кулайлиги шундаки, уни ишлаш жараёнида бошқа тасвирий санъат турларидагидек қўп вақт талаб этилмайли, баъзан уни жуда тезлик билан ишлашга тўғри келади. Бундан плакат ишлаш осон эканда, деган тушунча келиб чиқмаслиги керак, албатта. Бу санъатининг мураккаблик томонларини у билан жиддий шугулланиб қўрган одам яхши билади. Плакат ишлаш учун авваламбор мавзу аниқ қилиб ўйлаб олинган бўлиши керак. Бунинг учун эса фикрлаш, композиция ечимини топиш учун салоҳият ва билим кераклиги сир эмас.

Плакат мавзулари, шунингдек нима мақсадда яратилганлиги билан бир неча турларга ажратилади. Улар: бадиий плакатлар, тижорат-реклама плакатлари, чорлов-афиша плакатлари, сиёсий-ижтимоий плакатлар, фото-плакатлар, ёзувли қўргазма қурол сифатида қўлланадиган плакатлар ва шунингдек яна бир қанча хилларга бўлинади. Уларнинг нима мақсадда ишланганлиги мавзусиданоқ англашилиб туриши кераклиги плакат санъатининг бош, зарур талаби десак янгилишмаймиз.

Ўз мавзусига кўра плакатлар экология, тибиёт, ҳажвий-сатирик, чақириқ, тарғибот-ташвиқот йўналишларида ишланиши мумкин. Плакатда мавзунинг долзарблиги даражаси ҳам жуда муҳим шартлардан ҳисобланади. Чунки ҳаммани безовта қилиб турган мавзулардаги санъат асари дарҳол илғаб олинади. Шундай плакат намуналари ўз ўрнини, вазифасини топиб одамларга яхши хизмат қилиши маълум.

Плакат ҳам барча санъат турларидагидек композициянинг умум жо-

рий этилган қонун-қоидалари асосида изланишлар билан яратилади. Плакатда ҳам композиция маркази, ранг ечими, чизиқлар ва асар барча томонларининг ўзаро муносабатлари, мувозанати мухим компонентлардандир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, плакат баъзан умуман ёзувсиз фақат тасвирдан иборат бўлиши, шунда ҳам яхши тугал мазмун касб этиши, тушунарли ифода топган бўлиши мумкин. Бунда албатта унинг композицияий ечими сифати, муаллифнинг топқирлиги ва қобилияти, билим даражаси роль ўйнайди десак тўғри бўлади. Маълумки шундай ўз ечимини яхши топган плакатлар эътироф этилади ва бадиий плакатлар сирасига мансуб бўлади. Плакат чизишда рассом композицияни яхши юзага чиқариши учун яхши назарий, шунингдек амалий билим-кўниг-маларга эга бўлиши талаб этилади. Плакат ишлашни мақсад қилган одам, у рассомми ёки талабами бундан қатъий назар сифатли – уқувли реалистик тасвирни яхши чиза олиши керак. Бу ҳолда тажриба ҳам роль ўйнайди. Барibir рассом ҳар қанча уста бўлмасин агар фикрлай олмайдиган бўлса плакат яратади. Чунки плакатда мавзуни топиш ва бадиий тарзда ифода эта олиши жула мухимдир. Шу сабабдан плакат яратувчи рассомлар унчалик кўпчиликни ташкил этмайди. Мамлакатимиздаги плакатчи рассомлар 30-40 кишини ташкил этади. Уларнинг энг таниқли вакиллари қаторига Ф.Кагаров, Д.Махотин, А.Балканов, Р.Алиев, Н.Тен, М.Громико, Н.Ҳакимов, Э.Абуллаев, В.Думкин, Н.Ҳусанов, Р.Халилов ва бошқа бир неча ўнлаб рассомларни киритишимиз мумкин. Айрим рангтасвирчи рассомлар ҳам баъзан плакат асарларини яратиб туришлари маълум.

Плакат ишлашда ёзув ҳарфларини чиройли қилиб бажариш катта аҳамиятга эга. Чунки ўйлаб топилган қисқача ибора ҳам чиройли, кўзга ташланувчи ҳарфлар билан битилса албатта, асар мазмунининг бадиий қимматини ошириш учун хизмат қиласди. Аммо ҳарфларни сифатли бажариш ҳам осон эмас, бунинг учун рассом маълум тайёргарликка эга бўлиши керак.

Плакат композициясини ишлашда бўёқлардан унумли фойдаланиш катта аҳамият касб этувчи омилдир. Ранг ёрдамида плакатни кўзга ташланувчанлиги ҳамда яхлитлиги таъминланади. Мазмун, моҳияти ёритилади. Шунга яраша ранглар бачканаликдан ҳоли, сермаъно бўлиши лозим. У асосида плакатдаги энг зарур тасвирлар бўрттирилиб акс эттирилади. Шунга яраша томошабин эътиборини тортади, ўзига жалб қиласди.

Ҳозирги мустақиллик шароитидаги, эркин, демократик мамлакатимизда плакат санъатининг янада ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Плакат давлат сиёсатини, ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни бадиий тарзда ифода этувчи зўр воситадир. Шунинг учун бўлажак рассомлар орасида плакатчи ижолкорларни тайёрлани масаласига катта эътибор берилмоқда. Бўлажак педагог – рассомлар тайёрлашда ҳам плакат санъати мухим ўрин тутади. Чунки тасвирий санъят ўқитувчилари мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юритидаги безак ишларида ундан самараали фойдаланишлари, билим асосларини тарғибот-ташвиқот этишлари мақсадга мувофиқдир.

## Китоб ва китоб графикаси

Агар графика тасвирий санъатнинг тури эканлигини назарда тутадиган бўлсак, китоб графикасини унинг энг муҳим тармоғи деб атасимиз мумкин. Китоб графикасининг ҳам ўзига яраша тасвирий ифода воситалари ва ишлаш жараёнида амал қилиш зарур бўлган қонун-қоидалари бор. Бу тамойиллар эса асрлар, йиллар давомида такомиллашиб келмоқда десак, асло янглишмаймиз. Чунки саноат ривожланган сари китоб чоп этиш иши ҳам такомиллашиб бормоқда. Китобни безатиш иши эса хоҳлаймизми, йўқми шу ривожланишга мослаша боради. Унинг техник имкониятлари, сифат даражаси ошади.

Китоб тузилишининг ўзига яраша шартлари бор. Улар устмуқова, ички муқова, китоб варакларини муҳофаза қилувчи вараклар, китобнинг унвони, хатбоши вараги, унинг безаги, ички суратли бетлари, хотима, расмли безак ва бошқа шунга ўхшаш унсурлардан иборатdir. Қадимги пайтларда китоб қўлда ҳеч қандай техника воситаларисиз тайёрланган пайтларда унинг муқовалари кўпинча чармдан тайёрланган. Унинг устидан эса яна бир маҳсус филофи, уст жилди бўлган. Матн ҳам қўлда ҳуснihat билан ёзилган. Ички қисмлардаги варакларнинг ҳар бири ҳошиялар билан маҳсус сурат – рангдор миниатюралар билан безатилган.

Ҳозирги пайтда имкониятдан келиб чиқсан ҳолда, мазмун-моҳиятига қараб у кўпинча график имкониятлар даражасида баъзан рангли суратлар билан, баъзан оқ-қора тасвирили чизма тасвиirlар билан безатилмоқда. Барча муқова ҳамда ички қисмидаги суратларни рангли қилиб чиқариш кўпинча болаларга атаб чоп этиладиган бадиий адабиётларда қўлланади. Ҳозирги пайтда бундай қизиқ суратли китобларнинг аксарияти юмшоқ муқоваларда чоп этилмоқда. Баъзан китобнинг ичидаги суратлар тушда перо билан чизилган тасвиirlар асосида безатилади. Баъзан эса графиканинг дастгоҳли турлари – офорт, ксилография, литография, линогравюра усулида ишланган муаллифлик асрлари воситасида безатилади. Сўнгги пайтларда китоб безак ишларида дастгоҳли графикадан фойдаланиш нисбатан анча камайганлигини ҳам таъкидлаб ўтишимиз ўринлидир. Ҳозирги пайтда безак учун акварелла, гуашда, ҳамда тушда бажарилган расм-безаклар кўпроқ фойдаланилмоқда. Кўпроқ устмуқовага рангдорлик баҳш этилмоқда, китобнинг ички қисмлари эса соддороқ кўриниш касб этиб бормоқда.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керакки, албатта китоб безак суратлари бадиий адабиёт мазмунини тўлдирадиган матнiga мос келадиган бўлиши шарт. Бу талабга доимо эътибор билан ёндошиш асарга қизиқишининг оргишида муҳимдир. Чунки сурат-тасвиirlар яхши, сифатли бажарилганлиги китобнинг ўзига хос «рекламаси» вазифасини ўтайди.

Матбуумки мамлакатимизда кўплаб график рассомлар самарали ижод қилиб келмоқдалар. Улар мустақил санъат асарлари яратиш билан бир қаторда китоб безаш ишлари билан ҳам шуғулланиб турасидилар. Улар

қаторида яшаб ўтган ва ҳозирда ижод қилаётган рассомлардан Қ.Башаров, Х.Раҳматуллаев, М.Кагаров, Т.Ли, Г.Ли, А.Мамажонов, И.Воҳидов, Р.Зуфаров, М.Одилов, Ф.Башарова, Т.Саъдуллаев, Н.Абдуллаев, Н.Ҳакимов, О.Восихонов, Ҳ.Содиқов, Э.Нурмонов ва бошқаларни санаб ўтишимиз мумкин.

Китоб безакчилигига унинг муқова қисмига катта зътибор қаратилиши маълум. У яхши чиқиши рассомнинг салоҳияти ва маҳоратига боғлиқтиги сир эмас. Бу борада айниқса болалар учун чиқариладиган эртак асарларни безатиш ишини анча мураккаб десак тўғри бўлади, чунки бундай китобларни безатяётган рассом тасаввuri бой, маҳоратли бўлиши керак. Болалар ижодкор рассом яратган образларда бадиий-адабий асар қаҳрамонлари сиймосини тасаввур қилишлари, унга ишонишлари лозим. Шунда китоб матни суратли образлар кўринишига ҳамоҳант бўлади. Уни болалар қизиқиш билан томоша қиласидар, китоб мазмунини тушунишлари ҳам осон кечади.

Китоб чоп этиш тарихи ва ҳозирги кунини билиш учун кўп мутолаа қилиш керак. Ўтмиш рассомлари ижодини ўрганиш бу ишда самарали бўлади. Шу маънода ўзбек миллий, таникли рассомларидан бири сифатида машҳур бўлиб, ном қозонган Искандар Икромов меросини ўрганиш жуда ўринли. Мусаввир яратган китоб муқова расмлари намуналари билан атрофлича танишиш яхши самара беради, албатта. Энг муҳими эса китоб безаги устида ишлашни амалий ўрганишни мақсад қилиб қўйган талаба бу борада кўп машқлар бажариши лозим. Шунда у амалий фаолияти давомида маҳоратни тобора ошириб боради ва юқори натижаларга эриша олади.

## Маҳобатли безак санъати

Маълумки маҳобатли безак санъати амалиёти аксарият ҳолларда меъморчилик иншоотлари билан узвий боғлиқ бўлади. У биноларнинг интеръерларини, ташқи «фасад» қисмларини чиройли, кўримли қилишда қўлланади. Маҳобатли безак ишлари ўз безак хусусиятлари, яратилиш технологияси, тасвир воситаларига асосан ўзгачалиги билан бир нечта турларга бўлинади. Масалан, деворий сурат - рангтасвир, мозаика, витраж, сграфитто, нақшли-кошинкорлик ва бошқаларни айтиб ўтишимиз мумкин. Уларда ўзаро ўхшашлик жиҳатлари бўлгани ҳолда фарқлар ҳам мавжуд. Бу хусусиятлар айниқса уларни ишлаш технологияларида акс этади. Яна ҳайкалтарошлик, катта ёдгорлик асарларини ҳам маҳобатли безак санъати намуналари сифатида биламиз. Юқорида келтириб ўтилганларнинг барчаси бошқа тасвирий санъат турларидан ўзининг атроф-муҳити, хона кўриниши, табиат билан узвий ҳолда яратилиши билан фарқланиб туради. Бундай асарларнинг энг кўзга ташланиб турувчи хусусияти шундан иборатки, улар каттга, кенг кўламдаги фаолият натижасида юзага келади ва кўп йиллар мобайнида фойдаланишга мўлжалланади.

Мамлакатимизда маҳобатли санъат билан шуғулланиб, шу соҳала ул-

кан ютуқларга эришган, эришаётган таниқли мусаввирлар анчагина. уларнинг маҳобатли деворий рангтасвир, ҳайкалтарошликка оид ишларини юртимизнинг турли ҳудудларида учратишими мумкин. Турли бино ва тарихий иншоотларни, ёдгорлик мажмуаларини яратишда айниқса, ўзларининг кўп самарали ҳиссаларини қўшган ва қўшаётганлар қаторида Ч.Аҳмаров, Т.Саъдуллаев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, С.Рахмонов, Ф.Камолов каби маҳоратли рангтасвир усталарини, Ҳ.Хуснилдинхўжасев, А.Бойматов, И.Жабборов, Р.Миртожиев каби ҳайкалтарошларнинг номларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Масалан маҳобатли рангтасвирларни кўплаб яхши, элга манзур на-муналарини яратган Чингиз Аҳмаровнинг Ҳамза номидаги санъатшунослик институти биносига, А.Навоий номидаги Адабиёт музейининг залларига, шунингдек, бошқа нуфузли иншоотларга ишлаган деворий рангтасвир асарларини кўпчилигимиз яхши биламиз. Улар ўз салобати, гўзал тасвирий воситалари билан кишиларга йиллар мобайнида завқ-шавқ багишлаб келмоқда. Эстетик тарбияда хизмат қилмоқда. Шунингдек энг фаол, маҳоратли рангтасвир устаси, маҳобатли санъатнинг бир неча ўнлаб намуналарини яратган мусаввир Баҳодир Жалолов ижоди ҳам кўпчиликка яхши таниш, у яратган юксак санъат намуналарини Баҳор концерт зали биносида, Ўзбекистон давлат тарихи музейида, Республика киночилар уйида, бир қатор ҳорижий мамлакатлардаги биноларнинг интеръерларида қўришимиз мумкин. Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган Амир Темур ҳайкал-ёдгорлиги эндиликлар барчага маълум, машҳур асарлар десак янглишмаймиз. Унинг Хотира майдонига ўрнатилган асари Мотамсаро она қиёғаси ҳам кўпчиликка маълум. Бундан ташқари ҳайкалтарошнинг мамлакатимизнинг турли шаҳарларида таниқли аллома, тарихий шахсларга багишлаб ўрнатилган ҳайкалтарошлиқ асарлари бор.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотларни янада тўлиқроқ тасаввур этиш учун ҳар бир талаба кўпроқ китоб ўқиши, ижодкорлар фаолияти билан қизиқиши керак.

Маълумки маҳобатли санъатни яратиш боқичлари жуда мураккаб. Бундай санъатнинг йўл-йўргини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан билиб, ўрганиб олиш учун ҳар бир талаба иш босқичларидан яхши хабардор бўлиши шарт. Ўқув-машқ вазифа сифатида бажариладиган иш албатта композиция мавзусини танлашлан, уни лойиҳалаш, яъни эскизини топиш учун изланишлардан иборатdir. Бу соҳада ҳам барча иш жараёнлари умумий композиция ишлаш қонун-қоидлари асосида олиб борилади. Композиция тасвирининг воқеаси бунда мұхим бўлиб, у бўла-жак иш моҳиятини, таъсирчан қўринишини таъминлайди. Мавзу асосан қандай бино учун безак ишлашта тайёргарлик қўрилаётганига қараб тан-ланиши лозим. Унинг ранг мажмуи, қандай тасвирий воситаларда акс этиши ҳам аввалдан аниқ қилиб олинади. Эскиздаёт композиция тархи қўриниши аниқ тиниқ бўлиши, қандай материаллардан фойдаланиб иш-

ланиши маълум бўлиши керак. Юқоридаги талаблар маҳобатли санъатнинг барча турларига ҳам бирдек тааллуқтириб.

## Манзара композицияси

Манзара композицияси ҳақидаги маълумотлар рассом, ижодкор-муаллимлар тайёрлаш жараёнидаги энг зарур мавзулардан бири бўлиб, қаламтасвир рангтасвир ҳамда композиция бўйича амалдаги ластурларнинг муҳим қисми ҳисобланади. Манзара одамда энг кўп ҳиссиёт уйғутувчи жанрлардан бирилди. Яхши манзара асарлари ўзининг-нафосатли таъсиричанлиги билан инсоннинг руҳини, маънавий оламини бойитишига қодир. Она юрт, қадрдан үлкамиз Ўзбекистон табиати хусусиятларини ўзида тўлақонли акс эттирувчи, ана шу гўзалликка нисбатан ижодкорнинг муносабатини намоён этувчи асарлар эса Ватанга муҳаббат ҳиссиини тарбиялаш воситаси ҳамдир.

Манзара жанрининг муҳим эканлигини ҳар қандай мавзу ва мазмундаги асарларнинг узвий бўлғи сифатида фойдаланилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Чунки манзара ҳар қандай тарихий, майний ҳамда натюроморт ва портрет асарларининг бир қисми, яъни асосий мавзуни очиб, тўллириб турувчи фон сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга у алоҳида маълум маънони ташувчи, кўринишни барча жиҳатлари билан акс эттирувчи мустақил асар сифатида яратилиши ҳам мумкин. Жаҳон тасвирий санъати тарихига мурожаат этар эканмиз юқоридаги фикрларга жуда кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан: П.Рубенс, Н.Пуссен, К.Коро, И.Репин, Н.Ярошенко, В.Суриков, П.Бенъиков, Л.Абдуллаев, А.Абдуллаев, М.Набиев, Р.Аҳмедов, З.Иноғомов, Б.Бобоев, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, А.Икромжонов, М.Нуриддинов, З.Фахруддинов, О.Қозоқов асарларида манзара мавзули композициянинг ёрдамчи қисми сифатида акс этган. Н.Кримов, И.Левитан, Ф.Васильев, И.Шишкін, У.Тансиқбоев, Н.Карахан, А.Мирсоатов, Ф.Абдураҳмонов, А.Мўминов, А.Юнусов, А.Жамолов, Ҳ.Мирзаҳмедов, М.Тошмуродов ва бошқалар манзарани мустақил бадиий мукаммал асар сифатида яратганлар.

Маълумки манзара асарларининг ўзи мазмун ва мавзу жиҳатидан бир неча хилга бўлинади. Улар — шаҳар кўринишини ифодаловчи, саноат, тарихий, романтик, лирик, эпик, интим, денгизни акс эттирувчи ва панорамали манзаралардир. Манзара асарлари мавзу ва мазмун жиҳатидан ранг-баранг бўлсада, уларнинг барчасига тааллукди умумий қонуниятлари ҳам мавжудки, бундай хусусиятлар композиция қурилиши асослари, мутаносиблик, фазо ва чизиқли перспектива қоидлари, ранг ва тус борасила олиб бориладиган жараёnda намоён бўлади. Чунки манзара асари бошқа бир манзара асаридан мазмун ва мавзу, воқеабандлик юзасидан тублан фарқ қиласда, маҳорат даражаси тасвирий воситаларнинг қўлланиши бўйича муштараклик касб этиши мумкин. Масалан, шаҳар

манзарасини тасвирловчи рассом билан тоғлар ва кенгликларни тасвирловчи рассом акс эттирган тасвир объектлари турлича бұлсада, уларнинг ўз ишиларини амалга оширишлари учун зарур бўлган тасвирий восита, услугбий йўналиш бир-бирига ўхшаш бўлиши мумкин. Яъни ҳар бир асарда манзаранинг ва умуман рангтасвир композициясининг асослари: мавзу, воқеабандлик, образлар, кўриш нуқтаси, кўриш даражаси, фазовий планлар, перспектива, ритм, калорит, нур, шуъла, композиция маркази мавжуд бўлиши керак. Қаламчизги, рангтасвир ҳамда композиция асосларидан етарли даражада хабардор бўлмаган, ўзининг маҳоратини натюромортлар ва мусаввада лавҳалар чизиб ошириб бормаган ижодкор яхши манзара намунасини яратадиган. Шунинг учун у манзара чизишда керак бўладиган назарий ҳамда амалий вазифаларни билиши ва бажариши лозим. Манзара асари яратиш иштиёқида бўлганлар учун иккинчи даражали нарсанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Тасвирининг барча унсурлари ўз моҳияти бўйича муҳимдир.

Манзара яратиш мавзу танлаш ва у ҳақда мулоҳаза, мушоҳада юритишидан бошланади. Сўнг танлаб олинган тасвир объектларидан қараб қаламчизгилар, ранглавҳалар, эскизлар ишланади.

Табиат манзарасини куннинг турли вақтларида ва ҳар хил об-ҳаво шароитида кузатиб, чизиш учун энг мақбул ҳолати аниқланади. Сўнг уни қандай қилиб образли тарзда акс эттириш йўллари қидирилади. Яъни мазкур ҳолат ва табиат кўрининишига хос бўлган умумий жиҳатлар идрок этилиб, кўплаб кичик-кичик ўлчамли композиция эскизлари чизиб кўрилали. Ундан кейин мақбул варианти олдиңдан тайёрланган бир қанча ранглавҳа ва қаламчизгилар асосида ишлаб чиқилади. Аммо бу жараёнда манзаранинг қисқа муддатда ишланадиган ранглавҳаси билан ҳақиқий тугал манзара – композиция орасидаги фарқ унугилмаслиги керак.

Ранглавҳалар асосий асарга ёрдамчи ашё ёки бўлмаса оддий машқ сифатида бажарилади. Ана шундай кўплаб бажарилган ишлар тўплами асосий манзара асарининг мазмуни, композиция тузилиши, ранг хусусиятлари устида самарали иш олиб бориша жуда муҳим роль ўйнайди.

Манзара ранглавҳаси устида ишлаш жараёнда «манзара чизиш тасвирий санъатнинг энг осон жанри, унда буюмлар аниқ ўхшатиб тасвирланмаса ҳам, кўрининиши хоҳлаганча ўзгартириб ишласа ҳам бўлади», деган ва шу каби баъзи ҳаваскор рассомлар ўртасида учраб турувчи хато, нотўғри фикрлардан иложи борича йироқ бўлиш керак. Чунки асар яратишида осон мавзу, қийин мавзу, осон жанр, мураккаб жанр деган тушунчаларнинг бўлиши асло ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳар қандай асар унга ҳалол, вижданан меҳнатсеварлик билан ёндошилса, муваффақиятли чиқади.

Асосий ишга тайёргарлик мақсадга мос келадиган жой танлашдан бошланади. Масалан, шаҳар мавзуидаги манзара ранглавҳасини яратиш ҳақида тўхталиб ўтайлик. Аввал мавзуни танлаб олинади, яъни эски, кўхна, тарихий воқеалар гувоҳи бўлган меъморий обидалар, иншоотлар

акс этган рангтасвир яратмоқчимисиз? Ёки, янги замон белгилари ёрқин акс этган, фан техника янгилеклари натижасида бунёд этилган осмону́пар бинолар кўриниши иштирокидаги, ё бўлмаса, ҳам кўхна, ҳам замона-вий навқирон шаҳар кўриниши биргаликда акс эттирилгани маъқулми? Ана шулар аниқ фикрлаб, режалаштириб олингач, тасвиirlаш обьекти танланади, унинг қандай миқёсда бўлиши белгиланади. Энг мувофиқ кўринишига эга бўлган жойдан қараб туриб, қаламчизгилар, ранглархалар ишланади. Иш жараёнида булажак манзара асарнинг композиция ечи-ми, ранг уйғулиги, тугал намуна нусҳасиннг катта-кичиклиги, қандай ўлчамда бўлини масалалари ҳам пухта ўйлаб ҳал қилинади.

Табиатни диққат билан кузатсангиз, унинг обьектлари доим ҳар хил ёритилганини кўрасиз. Бирига қуёшнинг нурлари тўғридан тик ҳолатда тушади, бошқаси эса ёнидаги нарсалар соясида қолган бўлади. Уларнинг ҳар бирида тиник ёритилган қисмини, сояларини, ярим сояларни, рефлекс ва шуълаларни кўрамиз.

Табиатдаги нарсаларнинг ҳажми кўзимизга бўртиб кўриниши учун унинг бир томони яхши ёритилган бўлиши керак. Юқоридаги ҳолатда эса предметларнинг фақат ёруғ тушган томонларигина кўзга ташланади, шунинг натижасида нарса ҳажми бўртиб кўринмайди. Манзарани тасвиirlаш устида иш олиб бориш бўйича етарли даражада малакага эга бўлмаганларга бундай шароитда нарсаларнинг ҳажмини ва фазовийлигини ҳаққоний тарзда тасвиirlаш жуда қийин бўлади ва ниҳоят табиатдаги нарсаларга қуёш нурлари рассомга нисбатан ён томондан тушган ҳолатда эса, буюмларнинг бир томонига тиник ёруғлик тушиб, соялар қуюқ кўринади. Барча нарсаларнинг ҳажми бўртиб туради. Айнан ёндан тушган ёруғлик рассомга, айниқса қуляй ва хоҳишига мос келади.

Борлиқдаги барча нарсалар инсон қўзидан узоқлашиб борган сари кичиклашиб кўринали. Шунга мувофиқ ҳар бир, тасвирий санъат асарида чизиқли ҳамда фазовий перспектива ўз аксини топиши зарур. Унинг қонунларини билмай туриб, бирорта ҳам манзаранинг кўринишини хатосиз тасвиirlаб бўлмайди. Манзара ишлashedan аввал чизиқли перспективанинг асосий қонунларини диққат билан ўрганилиши лозим. Шунингдек табиат кўринишини ишлаш давомида фазовий перспектива ҳодисасига ҳам жиддий эътибор берилиши лозим.

Рангтасвирнинг чизиқли перспектива талабига мувофиқ тўғри тасвиirlаниши уфқ чизигининг қандай жойлашишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун уни доим тўғри аниқлаб олиш керак. Манзарада уфқ чизиги юқорида ҳам, пастда ҳам бўлиши мумкин. Баъзилар уфқ чизиги юқорила бўлган манзара кўринишини маъқул кўрсалар, бошқалар аксинча, уфқ чизиги пастда бўлганини кўпроқ афзал биладилар.

Табиатда ҳамда рассом ишлаетган рангтасвир сатҳида ҳам одатда осмон кўп жойни эгаллайди. Шунинг унун диққат билан ўҳшиатиб тасвиirlashi керак.

Кундузи қуёшнинг ёруғида унинг ранги юқорида тўқроқ, уфқка яқин-

лашган сари оқаріб күринади. Уфқынг шундай тепасида эса осмон ту-  
мансымон бұлиб туюлади. Күпчилик ҳолларда осмон табиатан әнг ёруғ  
жой ҳисобланади. Албатта, шундай пайтлар ҳам бұладики, унда очиқ  
рангли нарсалар қүёшнинг ўтқир нурлари остида осмондан ҳам ёруғ  
бұлиб күринади. Улар биноларнинг деворлари, қор, оқ гуллар, одам-  
ларнинг рангдор кийимлари бұлиши мумкін.

Үрганаёттан җаваскор рассом, талабаларнинг ишлаган рангловча машқ-  
ларида күпинча дараҳтлар бир-бирига жуда ўхашаш бұлиб қолади. Бундай  
ҳол талаба уларни эътиборсизлик билан кузатиши натижасида рўй беради.  
У кузатувчанликка одатланғандан сўнг ҳатто бир турға мансуб дараҳтлар  
ҳам ҳар хил бўлишини, айниқса бошқа-бошқа турдаги дараҳтлар ўзининг  
тузилиши, шохларининг жойлашиши, новдалари ҳамда баргларининг  
куюқ ёки сийраклиги, ранги, шакли, пўстлоғининг ўзига хослиги ва ўзига  
монанд белгилари билан ажралиб туришини яхши билиб олади. Шунда у  
тасвир этган рангловчадаги дараҳтлар: толми, теракми, қайрагочми, ар-  
чами ёки тутми эканлиги бир қарашдаёқ маълум бўлиб туради.

## Портрет рангтасвири ва композиция масалалари

Маълумки одам қиёғасини ишлаш тасвирий санъат соҳасининг энг  
мураккаб қисмидир. Бу вазифани уddyалаш жуда кўп назарий ва амалий  
ишларни жўяли, қонун-қоидали қилиб адo этишини талаб этади. Портретга,  
айниқса ижодий портретга одам бошини яхши тасвирлашни ўрганиб  
олингач, киришилали, Чунки портретла одамнинг нафақат боши,  
юз қисеми, балки унинг бўйни, гавласи, баъзида эса бутун гавласи акс  
эттирилади. Портрет ишлашда композиция яратишнинг барча мухим  
қонун-қоидаларини ҳам мукаммал, атрофлича билиш талаб этилади.

Портрет оддий, мураккаб кенг маъно ташувчи, воқеани акс эттирув-  
чи бўлиши билан бир-биридан ажралиб туради. Республика мизда ижод  
қилаётган кўплаб рассомлар орасида портрет усталари ҳам бор. Улар  
қаторила А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, В.Бурмакин, Б.Бобоев,  
Р.Чориев, А.Икромжонов, М.Нуриддинов, С.Рахметов ва бошқа кўплар-  
ни санаб ўтишимиз мумкін. Мамлакатимизнинг энг таникли, маҳорат-  
ли портретчи рассоми эса, албатта Абдулҳақ Абдуллаев деб эътироф  
этсак ўринли бўлади. Чунки бу мусаввир ўзбек портретчилиги санъатига  
улкан меваффақиятлар келтирган инсондир. Маълумки М.Набиев ҳам  
портрет санъати намуналарини жуда кўпини яратган рассомдир. Мусав-  
вирнинг «Амир Темур» портрет асари ва «Бобур портрети», «Абу Райх-  
он Беруний портрети» кўпчиликка маълум ажойиб асарлардир десак  
янгилишмаймиз.

Академик йўналишдаги портретни ишлашнинг ўз қонун-қоидалари  
бор. Улар ўқув-машқ иши эканлиги, катъий меъзонлар доирасида, мето-  
дик изчиллик асосида бажарилишини биламиз. Аммо унинг барча талаб-

ларига мувофиқ иш олиб бориши анча мұраккабдир. Бұнинг үчүн талаба күп машқ қилиши ҳамда назарий билимлар билан қуролланиши керак.

Портрет машқ вазифа сифатыда ишланадыган бұлсада, унга алохіда талабчанлық билан ёндошиш зарур. Чизилаётган кишининг қиёфасини үхшатып әңг муҳим ишдір. Бу масаланы ижобий ҳал этиши композиция, тасвир ранг хұсусиятлари, үзігі хос хұсусиятли шахстага алоқадор белгіларни топа билиш үшін акс эттира олиш билан боғлиқдір. Үқув-машқ үчүн күрениши қызықарлы, юз түзилишлари ифодали, ранги ҳам чиройли күренишига эга бўлган киши танланиши мақсадлга мувофиқ бўлади.


Одатда портреттінг күл тасвири билан бирга ишланадыган хили - (торс), бутун гавда тұлық акс эттириладыган, ҳамда хоналаги бошқа үй жиҳозлары билан боғлиқ ҳолда воқеабандлық касб этувчи композиция-ий турлари мавжуд. Улар қандай шароитда, қандай атроф-муҳитда ишланиши тасвир маъно-моҳиятini белгилайди. Академик портрет албатта босқичма-босқич, барча қўйилган талабларга амал қилинган тарзда ба-жарилади. Уни ишлашдан аввал қўйилма яхшилаб таҳлил қилинади. Ранг-лавҳа, кичик қаламчизгилар қилинади. Улар ёрдамила бўлажак асосий портрет рангтасвирининг тархлари композиция қонун-қоидаларига му-вофиқ топилади. Босқичма-босқич ишлап эса, умумийдан хұсусийга, сўнг эса яна умумлаштиришга асосланган ҳолда тартибли қилиб олиб борилади.

Ишни сифатли олиб боришида рангтасвир технологиясига тұлық амал қилинса тасвир мазмундорлигига эришиш енгил кечади. Шуни ҳам таъ-киллаб ўтиш керакки, портретте қўйиладыган әңг асосий талаблардан бири унинг тасвир этилаётган шахстага үхшаши кераклиги масаласидир. Бу жиҳатни амалга оширишда акс эттирилаётган киши-қиёфачининг үзігі хос феъл-атворини сезиб уни ифода этиши муҳимдір. Қиёфачи-нинг шу сифатлари унинг бош шакл түзилишида, кўз, қош, бурун, оғиз, ёноқ, ияқ, пешона, соchlаридан сизилиб туриши маълум. Уларни шакллари, рангларини табиий күренишига яқин қилиб олиш анча синч-ковликни талаб этади.


Портретда чизилаётган киши кайфияти, руҳий ҳолатига алохіда аҳамият берилishi керак. Чунки портретда бу жуда катта роль ййнайди. Компо-зиция мазмунининг нечоғли ечим топиши шунга боғлиқ.

Таъсирчанлиги, кўримлилиги шунга яратша акс этади. Портрет иш-лашни ўрганишининг әңг зарур шарты талабаларнинг үй вазифаси сифа-тида қўпроқ машқлар, бажарыш билан белгиланади. Иложи борича қиёфачиларнинг ёшлари, кўренишлари, жинслари турлича бўлиши, улар хона ичиди, ташқариди очиқ ҳаво шароитида турли туман фонлар билан ишланиши зарур. Портретда чизилаётган одамларнинг кийим-ке-чаклари, бош кийимлари, қўлидаги ёки ёнилаги буюмлар ҳам маълум даражада аҳамиятлидір. Улар композицияни бойитиб, иш мазмунига чуқур маъно воқеабандлық бағишлости мумкин.



## Композиция мавзусига оид сурат-иловалар



Композиция марказини аниқлашнинг график чизмаси



**Вазаны силуэттада акс эттириш варианктлари**



Г.Чиганов. "Чашма"





Г.Чиганов. “Подалар водийга қайтмоқда”



Е.Симонованинг плакат асаридан намуна



Харакатдагы қомат қаламтасыры вазифасыннан пілакат сұммын




Х.Соликов. "Амудолар", "Оң", "Хордик".



П.Бенъков. “Дугоналар”



П.Бенъков. “Яна ватанда”



P.Ахмедов. "Күшик"



F.Абдурахмонов. "Хумсон манзараси"



F.Абдурахмонов. "Чўпонлар"



Н.Абдусаломхұжаев. “Хат ўқиёттан қиз”



Б.Токтасев. "Чорбог"



Б.Тожиев. "Бешетча күз"



А.Икромжонов. "Натюрморт"



А.Икромжонов. "Чингиз Ахмаров портрети"

## **Мавзуларга оид саволлар**

### **Қаламтасвир бүйича:**

1. Қаламтасвир нима?
2. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари нималардан иборат?
3. Расм чизишида қандай жиҳозлардан фойдаланилади?
4. Расм чизишида қандай тасвирлаш воситалари, ашёлари қўлланилади?
5. Интеръердаги одамни чизишида кўпроқ нималарга аҳамият бериш зарур?
6. Чизишида одам қомати ўлчамлари қандай топилади?
7. Ҳайвон ва қушларнинг тасвирини ишлашда нималарга амал қилинади?
8. Одам ва бошқа жониворлар скелети тузилишидаги ўхашликлари ва уларни чизишида қандай мутаносибликлар мавжуд?
9. Нима учун қуш ва ҳайвонларнинг тулумлари чизилади?
10. Одам бош чаноқ суяги қандай қисмлардан иборат, уларнинг расм чизиш машқларидаги аҳамияти нимада?
11. Расм (портрет) чизишида калла суюгининг қандай қисм, бўлаклари кўпроқ бўрттириб кўрсатилиши керак?
12. Инсон бош қисмининг мушаклари нечта, чизматасвирда уларни тўғри акс эттиришида нималарга амал қилинади?
13. Чизиқли ва фазовий перспективанинг тасвир яратишида тутган ўрни нималардан иборат?
14. Интеръерни тасвирлашда перспективанинг қандай муҳим қоидаларига амал қилинади?
15. Ўқув қаламтасвири ва ижодий қалматасвир нималар билан фарқ қиласди?
16. Одам қиёфасини чизишида, унинг тана скелетини билишнинг аҳамияти нимада?
17. “Экоршे” нима учун чизилади?
18. Одамнинг гипсдан тайёрланган ҳайкал намуналари нима учун чизилади?
19. Педагогик расм чизишнинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
20. Расмни синф “доска”сида чизиш, машқ қилишнинг афзалити нимада?
21. Синф тахтасининг ранги сизнингча қанақа тусда бўлгани маъқул?
22. Инсон қоматини тасвирлашда одам скелетининг анатомик таҳлили нима учун керак, у қандай амалга оширилади?
23. Одам скелетининг таркибида қанақа номдаги суяклар мавжуд, улардан 15 тасини санаб айтиб бера оласизми?
24. Хорижий рассом – педагогларнинг ва ўзбек муаллифлари ёзган пластик анатомияга оид адабиётлардан қайсиларини биласиз?
25. Пластик анатомия деганда нимани тушунасиз?
26. Одам танасини чизишида пластик анатомиянинг аҳамияти тасвирнинг қандай жиҳатларини намоён этишида кўринади?
27. Инсон танасини тасвирлашда унинг мушаклари тузилишини билаш қандай сифатли натижалар, афзалликларни беради.

### **Рангтасвир бүйича:**

1. Ҳаққоний рангтасвирнинг вазифалари нималардан иборат?
2. Ранг ва тасвир уйғунлиги деганда нималарни тушунасиз?
3. Табиатдаги ва рангтасвирлардаги ранглар қандай жиҳатлари билан фарқланиб туради?
4. Рангтасвирда қаламтасвирнинг ўрни, аҳамияти нималарда намоён бўлади?
5. “Спектр” нима?
6. Рангнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
7. Акварель бўёғи ҳақида нималарни биласиз?
8. Акварелда тасвир ишлашда қандай усуслар қўлланилади?
9. Ахроматик ва хроматик ранглар деганда нималарни тушунасиз?
10. Асосий ва қўшимча ранглар тўғрисида нималарни биласиз?
11. Бўёқларнинг турлари, рангларнинг хусусиятлари тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз, уларнинг технологияси ҳақидачи?
12. Гуашь бўёғининг асосий ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
13. Гуашда тасвиirlар ишлаш йўллари, техника ва технологияси ҳақида нималарни биласиз?
14. Гуашь бўёғи асосан қайси санъат турларида ва жанрларида ишлатилади?
15. Ранг гаммаси деган ибора нималарни билдиради?
16. Рангларнинг яхлитлиги қандай воситалар ёрдамида таъминланади?
17. “Колорит” сўзи нимани ифода этади?
18. Шуъла ва “рефлекс” нинг фарқи нимада?
19. Мойбўёқ бошқа бўёқ турларидан нимаси билан фарқ қиласди?
20. Мойбўёқ – тасвир технологияси тўғрисида нималарни биласиз?
21. “Лессировка” техникаси нима, у қандай қўлланали?
22. Одам бошини тасвиirlasha асосан қандай қонун-қоидаларга амал қилинади?
23. Одам бошини тасвиirlasha “гризайль” техникасини қўллашнинг афзаллиги нималарда намоён бўлади?
24. Одам тасвирини ранглар билан ишлаш технологияси ҳақида нималарни биласиз?
25. Одам бошини ишлаш йўллари, тасвиirlashning босқичларида нималарга амал қилиш керак?
26. Академик тасвир - машқ ва ижодий ишнинг қандай фарқлари бор?
27. Ўқув – машқ, вазифа қандай тартибда олиб борилади?
28. Бош тасвирини ишлашда унинг композицияси қандай ўрин тутади?
29. Ижодий портрет яратиш жараёни тўғрисида нималарни биласиз?
30. Ўзбек портрети санъати усталаридан кимларни биласиз?
31. Портретнинг қандай турлари бор, уларга мисоллар келтира оласизми?
32. Одам қиёфасини тўлиқ тасвирини ишлашда қандай мураккабликлар учрайди?
33. Кийимли одам ва ялонғоч одам тасвирини бажаришда қандай ўзига хос фарқлар мавжуд?

34. Портретда құл тасвири қанақа ўринни әгаллайды?
35. Портретда маҳорат, күнікма ва малака, тажрибанинг ўрни нималарда намоён бұлади?
36. “Материаллик” – нарса сирти хусусиятларини ифода қилиш қандай омиллар билан юзага чиқарилади?
37. Одамнинг яланғоч танасини тасвирлаш нима учун кийимдагисини акс эттиришдан қийинроқ бұлади? Унинг сабаблари нимада?
38. Яланғоч гавдадан рангглавҳа ишлаганда нималарга эътибор берилиши керак?
39. Рангтасвирда шакл бўртиқлиги, яъни унинг ҳажмдорлиги ва рангтус ўйгунилиги қандай амалга оширилади?
40. Рангглавҳа нега тез ишланади?
41. Мавзули – воқеабанд қўйилмалар қандай, нималарга амал қилган ҳолда ташкил қилинади ва ишланади?
42. Интерьерда “пленер”да ташкил этилаётган мавзули – воқеабанд қўйилмаларнинг қанақа фарқли томонлари бор?
43. Қўйилма хонада ташкил этилганда унлаги перспектива қонун-қоидаларининг тадбиқи қандай, тасвир кўринишлари қанақа ўзига хос хусусиятларга эга бұлади?

#### **“Композиция” бўйича:**

1. Композиция нима?
2. Композиция тузиш қонун-қоидалари тўғрисида нималарни биласиз?
3. Композициянинг асосий унсурлари, тасвир воситалари нималардан иборат?
4. Композиция усталари бўлган қайси рассомларнинг номларини ва асарларини биласиз?
5. Яхлитлик, контрастлилик қонунлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Бадиий ижод кучлари нималардан иборат?
7. Бадиий услуг нима?
8. Композициянинг энг муҳим унсурлари нималардан иборат?
9. Композицияда макон, атроф-муҳит, вақт қандай акс эттирилади?
10. Интерьер композиция фактори сифатида қандай аҳамиятга эга?
11. Композицияда перспектива қонун-қоидаларининг тадбиқ этилиши тўғрисида нималарни биласиз?
12. Манзара жанрининг ўзига хос хусусиятлари нималарда намоён бұлади?
13. Ўзбек рассомларининг манзара жанрига оид қандай асарларини биласиз?
14. Манзара композицияси тузилишида қандай унсурлар энг муҳим аҳамият касб этади?
15. Мавзули – воқеабанд асаддаги манзара унинг мазмунин ифодасида қандай ўринни әгаллайди?
16. Манзара композициясида ранг, тус муносабатлари қандай аҳамиятта эга?
17. Плакат санъати, унинг ўзига хос томонлари тўғрисида нималарни биласиз?

18. Плакат композициясининг асосий унсурлари нималардан иборат?
19. Плакатдаги мазмун, фоя ва уларнинг тасвирдаги ифодаси қандай шаклларда юзага чиқарилади?
20. Ўзбек плакатчи рассомларидан кимларни биласиз?
21. Графика санъати тарихига оид қандай маълумотларни биласиз?
22. Китоб графикасининг ўзига хослиги нималарда намоён бўлади?
23. Китоб графикасида қанақа техника ва технологиялар қўлланилади?
24. Ўзбек китоб графикаси санъати усталаридан кимларни биласиз?
25. Ўзбек график рассомлари ижодида миниатюра санъати унсурлари қандай ўриннини эгаллайди?
26. Маҳобатли рангтасвир санъати тарихига оид қандай маълумотларни биласиз?
27. Маҳобатли безак санъати нимаси билан бошқа тасвирий санъат турларидан фарқ қиласиз?
28. Деворий рангтасвир техникаси ва технологиясига оид тасвирлаш йўллари тўғрисида нималарни биласиз?
29. Ҳозирги замон ўзбек рассомлари яратган қандай маҳобатли рангтасвир санъати намуналарини биласиз?

## **Адабиётлар рўйхати:**

1. Г.В.Беда. живопись. Москва «Просвещение». 1986.
2. Б.Бойметов, Б.Тожиев «Қаламтасвир фанидан маъruzалар матни». Низомий номидаги ТДПУ. Тошкент – 2000.
3. Е.С.Громов. природа художественного творчества. Москва «Просвещение». 1986.
4. Изобразительное искусство. (Под редакцией Г.Б.Смирнова) Москва «Просвещение». 1977.
5. Изобразительное искусство. (Под редакцией А.А.Унковского) Москва «Просвещение». 1980.
6. Изобразительное искусство. (Под редакцией Н.С.Боголюбова) Москва «Просвещение». 1980.
7. Изобразительное искусство. (Под редакцией Г.Г.Горелова) Москва «Просвещение». 1980.
8. Н.П.Костерин. Учебное рисование. Москва «Просвещение». 1984.
9. А.С.Пучков, А.В.Триселев. Методика работы над натюрмортом. Москва «Просвещение». 1982.
10. Рисунок. Живопись. Композиция: (Хрестоматия). Москва «Просвещение». 1989.
11. Н.Толипов. Рангтасвир асослари. Тошкент – 1999.
12. Б.Тожиев. Қаламтасвир асосларини ўрганиш (дастлабки сабоқлар). Тошкент – 1994.
13. Б.Тожиев. Қаламда манзара чизиш. Тошкент – 2000.
14. Б.Тожиев. «Рангтасвир» фанидан маъruzалар матни. Низомий номидаги ТДПУ: Тошкент – 2000.
15. Б.Тожиев. «Композиция» фанидан маъruzалар матни. Низомий номидаги ТДПУ: Тошкент – 2000.
16. А.А.Унковский. свет в живописи. Москва. «Просвещение». 1983.

## Мұндарижа:

Мұқаддима .....	3
<b>I.боб. Қаламтасвир</b>	
Қаламтасвир ва унинг мақсал вазифалари	
Тасвиirlашнинг асосий қонун-қоидалари .....	4
Үқув қаламтасвир ҳамда қаламчизгилар бажаришда композиция асослари	
ва ижодий малакаларни ривожлантириш .....	5
Бадий тәълимдә қаламчизгиларнинг аҳамияти	
Ҳайвон ва қышларнинг анатомик тузилиш ҳусусиятлари ҳамда уларнинг	
қаламчизгилар воситасида тасвиirlаши үсуллари	
Одам бош сүягининг тузилиши ҳақидағы дастлабки маълумотлар .....	8
Интерьерда инсон қоматининг турли ҳолатлардаги қаламчизгилари	
Турли тасвиirlаш воситалари .....	10
Қаламтасвир мавзусига оид сурат-иловалар .....	12
<b>II.боб. Рангтасвир</b>	
«Рангтасвир» тушунчаси .....	19
Ахроматик ва хроматик, илиқ ва совуқ, асосий ва құшимча ранглар .....	20
Рангнинг ҳусусиятлари. Акварель бүекда ишлаш техникаси. Спектр	
Ранглар доирасы ҳақида .....	22
Рангтасвирда турли сиртларни ифодалай билиш .....	24
Одам бошининг рангтасвирини ишлашда ҳал этиладиган үқув вазифалари.	
Шахсни үхшатиб акс эттириш .....	24
Одам бошини рангтасвири устида иш олиб бориши босқичлари .....	26
Хар хил масофада турган одам гавдасини рангтасвирда ифода этиш .....	28
Одам гавдасини рангтасвирда ишлаши йүллари.	
Одам юзи, күли, кийимини ифода этиш .....	28
Яланғоч гавдадан рангглава ишлашда қойиладиган талаблар .....	30
Гуашь бүёғида ишлашнинг йүллари .....	30
Мойбүёқ рангтасвир техникаси .....	32
Рангтасвир мавзусига оид сурат-иловалар .....	35
<b>III.боб. Композиция</b>	
Композиция үқув предмети сифатида .....	44
Композициянинг асосий қонуниятлари .....	46
Интерьер, фазо, атроф – мұхит ва вакт композициянинг факторлари сифатида .....	48
Плакат санъати ҳақида .....	49
Китоб ва китоб графикаси .....	51
Маҳобаттың безак санъати .....	52
Манзара композициясы .....	54
Портрет рангтасвири ва композиция масалалари .....	57
Композиция мавзусига оид сурат-иловалар .....	59
<b>IV.боб. Мавзууларга оид сабактар</b>	
Қаламтасвир бүйіча .....	74
Рангтасвир бүйіча .....	75
Композиция бүйіча .....	76
Адабиётлар рұйхати .....	78

БАҲРОМ ТОЖИЕВ, НАСИБА ИСАХОЖАЕВА

**ҚАЛАМТАСВИР,  
РАНГТАСВИР  
ВА КОМПОЗИЦИЯ  
АСОСЛАРИ**

Муҳаррир *B.Турсун*  
Техник муҳаррир *P.Халилов*  
Саҳифаловчи *A.Бабаев*

Босишига руҳсат этилди 16.07.2011. Бичими 84x108<sup>1/2</sup>. “TimesUZ”  
гарнитураси. Адади 300 нусха. Буюртма № Б-48.

«Sharq» НМАК «Тезкор нашр маркази» босмахонаси,  
1000000. Тошкент шаҳри, Бухоро қўчаси, 26-йй.